Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 174 (6. 963) 1989 йил 31 июль, душанба Баҳоси 3 тийин

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан, шахсан ўз номимдан Сизни Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари этиб сайланганлигингиз билан табриклайман», дейилади ўртоқ М. С. Горбачевнинг Мечислав Раковскийга йўллаган табригида.

⊙ ВЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини давом эттирмоқда. «Партия билан ёнма-ён» — «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги ана шу сарлавҳали мақолада пленум қандай ўтаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади.



«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган ярим йил мобайнида ишлаб чиқарилаётган болалар кийимларининг турлари тўла янгиланди. Тажриба цехи модельер-конструкторларининг куч-ғайрати ана шундай натижа келтирди. Улар болалар кийимларининг 88 хил янги моделини ишлаб чиқдилар. Йил бошидан бери қариб 22 миллион сўмлик тақчил маҳсулотларни ишлаб чиқарган бирлашманинг бошқа ходимлари ҳам чакки меҳнат қилишгани йўқ.

Болалар кийим-кечаклари асосан ип-газлама ва трикотаж газламалардан тикилади. Улар болаларга манзур бўлиши учун кийимларга ўзига хос муҳрлар ва расмлар туширилади ва бўлади. «Болалар дунёси» магазинларида уларни дарҳол сотиб олишади.

«Малика» бирлашмасининг болалар учун мўлжалланган барча кийим-кечаклари республикамизда реализация қилинади.

СУРАТДА: катта мастер Зиёвиддин Иногомов. У бирлашмада 25 йилдан бери меҳнат қилиб келади. Ҳозир у тажриба цехининг буюртмаларини бажараяпти.

В. Коврин сурати (УзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 июль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XV пленуми бўлди, пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум бошқа ишга ўтиши муносабати билан В. П. Анишчевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитетнинг иккинчи секретари лавозимларидан озод қилди. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси бўлиб ишлаган А. С. Ефимов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси ва Марказий Комитетнинг иккинчи секретари этиб сайланди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретарлари М. Ҳ. Холмуҳамедов, Ш. З. Камолхўжаев ва Д. Д. Берковнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан Марказий Комитет комиссияларининг иши тўғрисидаги ахборотларини тинглади.

Пленумда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Фарғона областидаги воқеалар тафсилотларини ўрганиш юзасидан тузилган комиссиясининг иши тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан бўлган музокараларда Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри П. Нуъмонов, Тошкент олий партия мактаби кафедрасининг доценти С. Р. Ризаев, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги бошқармасининг бошлиғи Э. Ғ. Ғофуржонов, «Ўзбекпромстройматериали» территориал бирлашмасининг инженер-технологи К. П. Дудин, Ўрта Осиё темир йўли юк ташиш хизмати бошлиғининг ўринбосари Ғ. З. Заҳриддинов, республика «Билим» жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари С. Қурбонов, «Советская культура» газетасининг ўз мухбири В. Р. Ниёзматов, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди Ўзбекистон республика бўлими раисининг биринчи ўринбосари И. Т. Юсупова, Тошкент олий партия мактаби ректори М. Искандаров, Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажнев, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Сирдарё область ижроия комитетининг раиси А. А. Айдарқулов, Навоий район партия комитетининг биринчи секретари М. С. Холиқов, Конимех районидаги «Шофиркон» совхозининг бош чўпони Н. Бердиев, Сирдарё область халқ контроли комитетининг раиси Б. М. Маҳмудов, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министри Л. А. Аҳметов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тилшунослик ва адабиётшунослик бўлимининг академик секретари А. Асқаров, Навоий кон-металлургия комбинатининг директори Н. И. Кучерский, «Главсредазнефтегазстрой» территориал бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И. К. Бўриев, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Б. Алламуродов, Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозининг раиси А. Абдусаматов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсупов, «Ўзселхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмасининг раиси Т. Йўлдошев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиялари составига қисман ўзгаришлар киритилди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов пленумда якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. Н. Лаврентьев иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини якунлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Илгари хабар қилинганидек, 20 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги бюроси бўлди. унда Фарғона областидаги фожиали воқеалар ҳамда партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қабул қилинган қарорда бу хусусда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Марказий Комитет XIV пленуми қарори билан тузилган комиссияси маълумотномасида баён қилинган хулосалар ва қоидаларга қўшилиш ифодаланган (комиссиянинг бу маълумотномаси эълон қилинмоқда).

Фарғона областидаги фожиали воқеалар энг аввало область партия комитети бюроси, область ижроия комитети, жойлардаги партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ва хатоларнинг натижаси эканлиги тан олинди. Улар кескин ижтимоий-сиёсий вазиятнинг ўткирлашиб кетиши хавфини олдиндан кўра билмадилар, миллатлараро адоватни келтириб чиқаришга, аҳолининг диний ҳис-туйғуларидан вазиятни кескинлаштириш ва беқарор қилиш учун фойдаланишга ҳаракат қилган қайта қуришга қарши, миллатчилик кайфиятидаги ва порага сотилган кимсаларга етарли баҳо бермадиларгина эмас, балки баъзан ўзлари уларга йўл қўйиб бердилар. Турк миллатига мансуб айрим шахсларнинг миллатлараро муносабатларни кескинлаштиришга уринишларига ва кўчиш кайфиятларига чек қўйилмади.

Қарорда таъкидланадики, Фарғона областида юз берган воқеаларнинг сабаби кўп жиҳатдан партиявий-сиёсий ишларнинг, кадрлар ва идеология ишининг ғоят қониқарсизлигидир. Кўп йиллар давомида бу ерда кадрлар танлаш қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик муносабатлари принциплари асосида амалга оширилди. Бу эса бир-бирини қувватлаш ва ўзбошимчаликни келтириб чиқарди. Ўз обрўсини тушириб юборган ва ишини бардоқ этган раҳбарларга ҳамиша ҳам қатъий партиявий баҳо беролмади. Область, шаҳар, район партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ва аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фавқулодда шароитда ўзларини йўқотиб қўйдилар, тартибсизликларга қатъий чек қўйиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Касаба союз ва комсомол ташкилотлари ожизлик қилиб қолди. Ички ишлар органлари одамлар ва халқ хўжалик объектлари хавфсизлигини муҳофаза қилиш вазифаларини уддалай олмадилар. Фарғона область партия комитетининг шу йил 21 июнда бўлиб ўтган бюроси ҳам ўзи йўл қўйган хато ва нуқсонларни етарли даражада ўз-ўзини танқид ва принципиаллик руҳида баҳолай олмади, областдаги ижтимоий-сиёсий вазифани нормал изга солишнинг самарали чорасини белгилай олмади. Бюронинг раҳбар коммунистларга нисбатан қабул қилган қарори муросасозлик деб баҳоланди.

Қарорда Фарғона областида юз берган фожиали воқеалар учун партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг масъулияти белгилаб берилди. Партиявий раҳбарлик савиясининг пастлиги, кадрларга нисбатан тегишлича талабчанликнинг йўқлиги, областда вужудга келаётган носоғлом маънавий-сиёсий вазиятга етарли баҳо бермаслик, областдаги аҳволни барқарор қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўришдаги қатъиятсизлик учун область партия комитетининг биринчи секретари **Ш. М. Йўлдошевни** партиявий йўл билан қатъиқ жазолаш ва уни вазифасидан бўшатиш лозимлиги таъкидланди, бироқ у мазкур лавозимда яқин вақтдан буён ишлаётганлигини, ўзи йўл қўйган хатоларни англаб етганлигини ҳисобга олиб, унга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Халқ депутатлари Фарғона область Советининг сессиясига тегишлича раҳбарликни таъминламаганлиги, областни социал-иқтисодий ривожлантириш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш вазифаларини ҳал қилишда изчил иш тутмаганлиги, оммавий тартибсизликлар даврида пассивлик қилганлиги учун область ижроия комитети раиси **Х. Мажидов**нинг эгаллаб турган лавозимида қолиши мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслигини кўриб чиқиш тавсия этилади. Унинг партиявий жавобгарлиги соғайганидан кейин кўриб чиқилади.

Партия, совет ва комсомол ташкилотларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига раҳбарликдаги камчиликлар учун, оммавий тартибсизликларга чек қўйиш билан боғлиқ принципиал масалаларни ўз вақтида ҳал қилишни таъминламаганлиги учун область партия комитетининг секретари **А. В. Козирга** КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ташкилий-партиявий ва кадрлар иши бўлимига А. В. Козирнинг бундан буёнги иши тўғрисида таклиф киритиш топширилди.

Идеология ва сиёсий-тарбиявий ишларни ташкил этишдаги жиддий нуқсонлар ва камчиликлар учун, идеология фаоллари ва коммунистларни областдаги жамиятга зид турли ҳодисаларга қарши курашга сафарбар этиш юзасидан тегишли чораларни кўрмаганлиги учун область партия комитетининг секретари **Т. А. Эгамбердиева** вазифасидан бўшатилди. Фарғона область партия комитети бюросининг қарори билан унга КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Область партия комитетининг секретари **А. Р. Маматказин**га КПСС аъзоси учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор, область партия комитетининг секретари **Б. А. Ашрафхонов**га қаттиқ виговор берилди.

Милиция органлари ишини барбод қилганлиги учун область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи **С. Ю. Бурҳонов** бундан буён эгаллаб турган лавозимида қололмаслиги тан олинди. Унинг партиявий жавобгарлиги соғайганидан кейин кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Давлат хавфсизлик комитети Фарғона область бошқармаси бошлиғи **Н. Г. Лесков**га КПСС аъзосининг учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилингани ва у эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш тўғрисида рапорт берганлиги, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри **У. С. Раҳимов** ўз лавозимидан кетиш тўғрисидаги илтимос билан ариза ёзганлигини ахборот учун қабул қилди.

Республика прокурори, коммунист **Д. А. Усатов**нинг диққат-эътибори прокуратура органлари иши устидан назоратнинг сустлиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш устидан прокурор назоратини амалга оширишдаги камчиликлар, тартиб бузишларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириб туришдаги камчиликларга, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети раиси, коммунист **А. С. Морга**совнинг диққат-эътибори қўл остидаги бўлинмаларга раҳбарликни кучайтириш зарурлигига, жойларда профилактика ишини амалга оширишдаги камчиликларга қаратилди. Д. А. Усатовга Фарғона областидаги прокуратура органлари фаолиятини комплекс текшириб чиқиш топширилди. Текшириш натижалари республика прокуратураси кенгайтирилган коллегиясининг мажлисида кўриб чиқилсин ва зарурат бўлса Фарғона область прокуратураси билимдон кадрлар билан мустаҳкамлансин.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги, Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитети, Ўзбекистон ССР Прокуратураси, Ўзбекистон ССР Адлия министрлиги, Ўзбекистон ССР Олий судининг коммунист раҳбарларига қисқа муддат ичида республикада маънавий-психологик вазиятни соғломлаштириш, жамоат тартибини ўрнатиш, оммавий тартибсизликларнинг профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, фавқулодда вазиятларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар кўриш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси Марказий Комитетнинг бўлимлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари зиммасига милатлараро муносабатларни соғломлаштириш вазифаларини зудлик билан ҳал этишга ўз куч-ғайратларини жамлаш, бу вазифани партиявий-сиёсий ишнинг энг муҳим участкаси деб қараш вазифасини юклади, одамларнинг осойишталиги ва ҳаловати, умуман кўпмиллатли давлатнинг тақдири кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатларни соғломлаштириш вазифасидан ҳал этиш билан боғлиқдир.

Бутун партиявий-сиёсий ва тарбиявий фаолият, деб уқтирилди қарорда, М. С. Горбачевнинг 1989 йил 1 июль куни Марказий телевидение орқали сўзлаган нутқи асосида авж олдирилиши керак. Ушбу ишга партия ташкилотларининг энг яхши кучларини, бутун партия фаолларини, ижодкор зиёлиларни жалб этиш, одамлар билан дадил ишора мулоқот қилиш, ифвогарлар ва экстремистларга, республикада яшаётган барча миллатлар ва элатлар ўртасидаги муносабатларнинг байналмилал асосларига тажовуз қилаётган сапғат ва ижодкор зиёлилар айрим намояндаларининг ғоявий жиҳатдан зарарли чиқишларига қатъият билан зарба бериш зарур. Миллатлараро негиздаги норозиликлар ёки можароли вазиятларнинг ҳар бири синчковлик ва диққат-эътибор билан ўрганилсин, пайдо бўлаётган муаммолар осойишта ва амалий вазиятда ҳал этилсин.

Партия комитетларига партия ходимларини бадном этишга, партияга ва социалистик тузумга ҳужумларга қатъият билан зарба бериш, ҳар бир партия ташкилоти ҳаракатларини аниқравшан программасига эга бўлиши, омма ўртасида сиёсий иш олиб бориши, ошкора ҳаракат қилиши, одамларнинг турмуши билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишга ёрдам беришига изчиллик билан эришиши тавсия этилди. Бунинг учун шахсий жавобгарлик партия комитетларининг биринчи секретарлари зиммасига юкланди.

Қарорда Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Андижон область партия комитетлари аҳоли ўртасида зарур тарғибот иши ўтказа олмаганликлари, милаллатлараро муносабатдаги кескинликни ўз вақтида бартараф этмаганликлари, месхети турклари вакиллари бир қисмининг республикадан ташқарига кўчиб кетишига йўл қўйишгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фарғона воқеаларидан кейин республикадан чиқиб кетган месхети туркларининг Ўзбекистонга қайтиб келиши учун, республикадаги турли миллатларга мансуб кишилар осойишта яшаб меҳнат қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳим вазифа, деб ҳисоблансин. Партия, совет ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, ҳар бир меҳнат коллективининг куч-ғайратлари ана шу мақсадга қаратилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика Давлат план комитети, Давлат агросаноат комитети, Давлат қурилиш комитети, республика министрликларни ва идораларига Фарғона водийси областларининг экономикаси турғунлик ҳолатларини бартараф этиш, устун социал вазифалар, аввало Уйжой ва Озиқ-овқат программаларини бажариш, иш билан банд бўлиш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва экологик вазиятни соғломлаштириш юзасидан тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш таклиф этилди. Халқ хўжалигини жадал ривожлантириш масалалари одамларнинг маданий ва маънавий даражасини кўтариш билан узвий тарзда кўриб олиб борилсин.

Иттифоқ органларининг қарорлари талаб этиладиган масалалар юзасидан СССР Министрлар Советига таклифлар тақдим этилсин.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига вазиятни барқарорлаштириш, миллатлараро негиздаги тўқнашувларнинг сабабларини ва оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалий тадбирлар кўриш ҳамда бу борадаги ишларни яхшилаш таклиф этилди.

Оммавий ахборот воситаларига совет халқлари дўстлигини кенг тарғиб этиш, байналмилал бирликнинг қайта қуриш тақдиридаги аҳамиятини конкрет мисолларда кўрсатиб бериш топширилди. Матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда, телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларда содир бўлаётган воқеаларга билимдонлик, холислик ва вазминлик билан баҳо беришга эришилсин, миллий такаббурлик ва худбинликнинг ҳар қандай кўринишларига ҳам, шовинистик руҳдаги кўринишларга ҳам қарши муросасиз курашилсин. Жамиятда шубҳа ва миш-мишлар келтириб чиқарадиган бирон бир воқеага баҳо беришга ва бу хусусда матбуотда шошма-шошарлик билан материаллар эълон қилишга йўл қўйилмасин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 1989 йил 28 июлдаги Фармонлари билан Арманистон ССРдаги зилзила оқибатларини тугатишдаги мардлиги ва фидокорлиги учун, озор чекканларга ёрдам беришга катта шахсий ҳисса қўшган совет гражданларининг биринчи группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Мукофотланганлар орасида кўмир саноати, қора ва рангли металлургия, ҳарбийлаштирилган қисмларнинг тоғ қутқарувчилари, ВЛКСМ Марказий Комитети ва ВЦСПС томонидан тузилиб, зилзиладан кейинги дастлабки соатларданоқ офат содир бўлган районларда ишлаган кўнгилли қутқариш отрядларининг аъзолари бор. Улар нет эллик мутахассислар билан биргаликда минг-минглаб одамларни қутқариб қолдилар.

Фожиадан кейинги дастлабки кунлардаёқ ўз тенгиларини билан етиб келиб, вайроналарни йиғиштириб олиш, қурилиш учун жойларни тозалаш ва зилзила жабрдийдаларига ёрдам беришда фидокорона меҳнат қилган қурувчилар, автомобиль ҳайдовчилари, кран машинистлари Ватан мукофотларига сазовор бўлишди.

Мукофотланганлар орасида жуда оғир шароитларда одамлар ҳаётини қутқариш, жабр кўрганларга юқори малакали медицина хизмати кўрсатишга оид кенг кўламдаги кучириш, даволаш-профилактика ва санитария чоралари ва юқумли касалликлар тарқаб кетишига қарши тадбирлар кўрган врачлар, медицина ҳамширалари ва бошқа медицина ходимларининг катта группаси бор. Меҳнаткашларнинг ана шу тоифалари вакиллари барча мукофотланганларнинг 90 процентдан кўпроғини ташкил этади.

Халқ хўжалиги турли тармоқларининг алоҳида ўрнак кўрсатган мутахассислари, айрим корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, касаба союз ва комсомол активлари, Ленинакан, Спитак, Кировакандa бевосита ишлаган ва жабр кўрган районлар аҳолисининг тирикчилигига таллуқли энг муҳим масалаларни муваффақиятли ҳал қилган министрликлар ва идоралар штабларининг вакиллари ҳам мукофотландилар.

Фармонлар «СССР халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Советининг ведомостлари»да тўла эълон қилинади.

(ТАСС).

Қурувчилар ҳиммати

⊙ **ҲАЛҚА йўлнинг шундоқ қина ёнбағрида жойлашган массив йил сайин қулоч ёзиб бораяпти.** Бу ерда жуда кўплаб қурилиш ташкилотларининг бинокорларини учратасиз. Уларнинг ҳаммаси бир мақсад йўлида ҳамшаҳарларимизни шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш орзусида унумли меҳнат қилишаяпти. Бинокорлардан бири 3-уйсозлик комбинатига қарашли 40 қурилиш бошқармасиннг Асқарали Қосимов бошчилик қилаётган комплекс бригадаси аъзоларидир. Ўзаро социалистик мусобақада ғолиблик қилаётган бу коллектив ҳамиша ойлик ва квартал планларини ортиғи билан адо этади. Айниқса, бу коллективда сон эмас сифат кўрсаткичига алоҳида аҳамият бериладн. Шунинг учун ҳам улар томонидан топширилаётган объектлар сифатлилиги билан ажралиб туради.

Коллективда меҳнат интизоми ҳам ибратли даражада. Бинокорлар иш вақтини бекор кетказишмайди. Материаллардан тежамкорлик билан фойдаланишади. Ҳозир айни ёз пайтида қурувчиларнинг қўлиқўлига тегмайди.

Бригада аъзолари шу ярим йилликда 2 та бинони ҳамша ҳарларимизга ҳадя этишди. Бу биноларнинг ҳар биттаси 90 та квартирадан иборат бўлиб, 180 та оилага мўлжалланган дир.

Объектда бригаданинг 27 аъзоси иш олиб бормоқда. Қурувчилар 1989 йилнинг ноябрь ойига 128 квартирали турар жой биносини фойдаланишга топширишга аҳд қилишган. Шунинг учун ҳар бир имконият дан унумли фойдаланаётган коллектив барча куч-ғайратини ишга солмоқда.

Бундан ташқари бу ерда яна 7 та турар жой биносининг монтаж ишлари олиб борилмоқда. Умуман массивда 60 га яқин бино қад кўтариши мўлжалланган.

Кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб борилаётган бу жой Калинин массивидир. Шундай қилиб, массивлар сони яна бита тага кўпайди.

Об-ҳаво ва саломатлик

31 июлдан 6 августгача

Узбекистон ССР Гидрометеорология марказининг маълумотларига кўра шу ҳафтанинг бошларида Ўзбекистон территориясига Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь районларидан нисбатан салқин ҳаво оқими кириб келади. Натижада кунлар кўпроқ булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 16—21, кундузи 31—36 даражагача пасаяди. Кейинчалик ҳаво очилиб кетади. Кунлар исиб боради, ҳарорат кечаси 20—25, кундузи 36—41 даражагача кўтарилади.

Ҳафтанинг ўртача ҳарорати кўп йиллик нормадан юқори бўлиши кутилади.

Н. А. Семашко номидаги сиҳат-саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медик об-ҳаво маълумотлари ва об-ҳаво таъсирининг олдини олиш марказ ни мутахассисларининг фикрига қараганда ҳафтанинг иккинчи ярмида қуруқ ва иссиқ ҳавонинг тарқалиши, ҳаво ҳаро ратининг, айниқса кундузги соатларда аста-секин кўтарилиб бориши, ҳаво таркибида кислород миқдорининг камайиши ва атмосфера босимининг пасайиши сурункали кислород етишмовчилиги, юракнинг ишемик хасталиги, ўпка-нафас олиш системаси хасталиклари бўлган беморларнинг кайфиятига салбий таъсир этиши эҳтимоли бор. Улар лохас бўлишлари, тез чарчашлари, юракда оғриқ сезишлари, аъзоларнинг кислород истеъмол қилиши камайиши мумкин. Профилактика мақсадида ана шу тоифадаги беморларга даволовчи врач билан келишиб, нафас олиш машқларини, совуқроқ сув муолажаларини давом эттириш, шунингдек зарур ҳолларда юрак-қон томирлар фаолиятини мўтадиллаштирувчи дорилар ичишлари тавсия этилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети комиссиясининг маълумотномаси

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ҲАМДА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1989 йил 23 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIV пленуми Марказий Комитет комиссиясини тузди, унга манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Фарғона областидаги фожиали воқеаларнинг сабабларини ва унинг тафсилотларини жойларнинг ўзида пухта ўрганиш, бу воқеаларга сиёсий баҳо бериш ҳамда партия совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жавобгарлиги тўғрисида таклифлар киритиш топширилган эди.

Комиссиянинг иши давомида меҳнаткашлар билан, партия, совет активлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари билан жуда кўп учрашувлар бўлиб ўтди. Воқеалар билан боғлиқ ҳужжатлар, шифрограммалар, хатлар ва бошқа материаллар ўрганилди. Комиссия Фарғона областида можаронинг вужудга келишига олиб келган объектив ва субъектив сабаблар комплексини аниқлашга асосий эътибор берди.

Комиссия муаммони бир томонлама кўрсатишга, уни соддалаштиришга, фожианинг бошланишини турмуш можаролари билан боғлиқ қилиб кўйишга ҳар қандай уриниш маънавий-сиёсий вазиятнинг ғоят кескинлиги, можаронинг бошқа регионларга тарқалиши хавфининг ҳақиқий сабабларини таҳлил этишдан қочишга уриниш бўлур эди, деб ҳисоблайди. Юз берган вазиятда бундай позиция масъулиятсиз ва сиёсий жиҳатдан зарарли позиция бўлур эди.

(Давоми иккинчи бетда).

ФАРҒОНА ОБЛАСТИДАГИ ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАР ҲАМДА ПАРТИЯ, СОВЕТ ВА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошы биринчи бетда).

Комиссия областдаги айрим партия ва совет ходимларининг содир бўлган тартибсизликлар гўё бутунлай кутилмаган воқеа бўлди, деб кўрсатишга уринишларини ҳам асоссиз, деб ҳисоблайди. Тегишли органлар, меҳнаткашлар миллатлараро негиздаги салбий кўринишлар тўғрисида партия комитетларига кўп марта хабар қилганлар.

Май ва июнь воқеаларидан анча олдин миллатлараро муносабатлар кескинлаштирилган. Советларга қарши ва миллатчилик руҳидаги варақалар тарқатиш фактлари юз берган, бу варақаларда маҳаллий аҳоли область территориясидан бошқа миллатга мансуб одамларни ҳайдаб чиқаришга даъват этилган. Агар партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вазиятга ўз вақтида ҳамда принципиал баҳо бериб, зарур профилактика, огоҳлантириш тадбирларини ишлаб чиққанларида эди, етилган воқеаларнинг олдини олиш, воқеаларнинг ва шафқатсизликнинг бундай кенг тус олишига йўл қўймаслик мумкин эди.

Комиссия оммавий тартибсизликларнинг кенг миқёсда бўлганлигини таъкидлайди. Фожиали воқеалар натижасида 103 киши ҳалок бўлди, шундан 52 киши месхети турки, 36 киши — ўзбекдир, 1011 киши майиб бўлган ва жароҳатланган. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари ҳарбий хизматчиларидан 137 киши, милиция ходимларидан 110 киши яралар бўлди. Улардан бири оламдан ўтди. 757 та уй, 27 та давлат объекти, 275 та автотранспортга ўт қўйилди ва талаб кетилди. Энг муҳим халқ хўжалик объектларига ҳужум қилинди, жиноятчилар ўт очиш қуроллларини қўлга туширишга мақсадида ички ишлар бўлимларининг биноларини эгаллаб олишга ҳаракат қилдилар, партия, совет ходимларини гаровга олдилар, илгари қўлга олинган кишиларни зўрлик билан бўшатишга уринди-лар. Экстремистик ҳаракатларнинг республиканинг бошқа областларига реал тарқалиш хавфи вужудга келди.

Тартибсизликлар олдидан оммавий йиғинлар бўлиб ўтди, бу йиғинларда социал-иқтисодий ва экология тусидаги, шунингдек месхети туркларини область чегарасидан чиқариб юбориш тўғрисидаги талаблар ўртага қўйилди. Область, шаҳар ва район партия ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлар қилинди.

Ана шундай ғоят мураккаб фавқулодда вазиятда 1989 йил 4 июнь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан области территориясида комендантлик соати жорий этилди ва республиканинг илтимосига мувофиқ, у ерга СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бўлинмалари юборилди.

Республикага келган СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков билан КПСС Марказий Комитетининг секретари В. М. Чебриков катта ёрдам бердилар. Месхети туркларига ёрдам бериш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўрилди, тегишли Иттифоқ органларига республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш, социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш билан боғлиқ масалаларни қўшимча равишда кўриб чиқиш тўғрисида топшириқлар берилди. Янги қурбонлар бўлишига йўл қўймаслик, вақтинчалик ташкил этилган лагерда юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш учун, шунингдек месхети туркларининг талабларига мувофиқ иттифоқ ҳукуматининг ёрдами билан 16 минг 282 кишини Фарғона областидан РСФСРнинг Смоленск, Орёл, Курск, Белгород ва Воронеж областларига вақтинча кўчириш ташкил этилди.

Комиссия Фарғона областидаги фожиали воқеаларнинг сабаблари ва тафсилотларини таҳлил қилиб, бу воқеалар область партия комитетининг бюроси, область ижроия комитети, партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан йўл қўйилган жиддий нуқсонлар ва хатоларнинг натижаси бўлди, деб ҳисоблайди. Улар кескин иҳтимоий-сиёсий вазиятнинг ўткирлашуви хавфини кўра олмадилар, қайта қуришга қарши кимсаларнинг қилмишларига етарли баҳо бермадиларгина эмас, баъзан уларга ўзлари йўл қўйиб бердилар.

Комиссия фавқулодда вазият вужудга келган пайтда маҳаллий партия, совет органлари ва аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари довдираб қолдилар, тартибсизликлар, ўт қўйишлар, қотилликлар, ўт олдирувчи аралашмаларни, ўт очиш қуроллари ва совуқ қуроллари қўлланиш каби ваҳшийлик ҳаракатларига чек қўйиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Милиция органлари ўзларига берилган ҳуқуқлардан фойдалана олмадилар, аҳолининг ва давлат объектларининг хавфсизлигини таъминлай олмадилар. Буларнинг ҳаммаси вазиятнинг кескин чигаллашувига олиб келди, тартибсизликлар сиёсий тус ола бошлади ва миллатчилик туси тобора яққол намоён бўла бошлади. Биринчи навбатда ўзларининг тор худбинлик ва ифлос мақсадларини кўзда тутувчи, миллатлараро адоват уруғини сочишга уринувчи, аҳолининг диний туйғуларидан мутаассиблики авж олдириш, пировард натижада фақат областдагина эмас, республикада ҳам вазиятни беқарор қилиш учун фойдаланиб қолишни кўзлаган турли порага сотилган ва жиноятчи унсурлар бу вазиятдан фойдаланишга уриндилар. Воқеалар давомида хатти-ҳаракатларнинг олдиндан тайёрланганлиги ва моҳирлик билан ташкил этилганлиги намоён бўлди, деб ўйлаймиз. Шу сабабли тегишли органлар воқеаларнинг ана шу жиҳатларини пухта ўрганишлари учун қатъий зарурат бор.

Фарғона область партия комитети, жойлардаги партия комитетлари ўз ишларини ташкил этишда аслида ижтимоий-сиёсий вазиятни қўлдан чиқариб юбордилар, одамларнинг реал ташвишлари ва эҳтиёжларидан ажралиб қолдилар, шу вақтга қадар кабинетда ўтириб, қоғозбозлик-бюрократик услубда иш юритишдан қутула олмадилар, ишни қайта қуриш шароитида олиб боришни ўрганмадилар, ўз жанговарликларини намоён қила олмадилар. Аҳоли муайян қисмининг, айниқса ёшларнинг ўз социал-иқтисодий аҳволидан, ишсизлик даражасининг қўрқинчидан, аҳолининг зичлигидан, порага сотилиш ва порахўрлик авж олганидан норозилигига жиддий аҳамият берилмади.

Фарғона область партия комитети месхети турклари ва туб аҳоли ёшларининг бир қисми ўртасида Қувасой шаҳрида мухолифликнинг авж олишига баҳо беришда асоссиз равишда соддалаштириб ёндашувга йўл қўйилди, айни вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи маҳаллий органлар муштлашишни бошлаб берган кишиларга, бебошликларга нисбатан қонун кучини қўлланмадилар, бу билан улар адоватнинг, жиноий тўдалар бошлиқларининг қудрати тўғрисидаги миш-мишларнинг тарқалишига йўл қўйиб бердилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигига бу ерда қисқа вақт ичида шаҳар ички ишлар бўлимининг бошлиғи уч марта ўзгартирилгани ҳам таъсир қилди. Бунинг устига деярли бир йил давомида, оммавий тартибсизлик бошланганга қадар ана шу лавозим бўш турди. Сўнгги олти ойдан кўпроқ вақт ичида шаҳар прокурори лавозимига ҳам ҳеч ким тайинланмади.

Месхети турклари орасидан айрим шахсларнинг Грузия ССР жанубий районларига тезроқ қайтиш муаммосини ҳал этиш мақсадида вазиятни кескинлаштиришга уринишлари аҳволни анча чигаллаштириб юборди.

Қувасой шаҳрида содир бўлган тартибсизликлар ҳамда бир-бирига қарши группалар ўртасида совуқ ва ўқ отиш қуроллари қўлланиб, юз берган оммавий муштлашиш, бунинг оқибатида бир одамнинг ҳалок бўлиши ва ўнлаб одамларнинг жароҳатланиши тафсилотлари область партия комитети бюросининг мажлисида орадан саккиз кун ўтгандан кейингина кўриб чиқилди. Бироқ бу фавқулодда воқеага принципиал сиёсий баҳо берилмади, аслида миллатлараро негизда можаронинг тарқалиш хавфи бюронинг эътиборидан четда қолиб кетди.

Юз берган вазиятда воқеаларни оммавий ахборот ва пропаганда воситалари оператив ёритиши таъмин этилмаганлиги ҳам область партия комитети бюросининг жиддий хатоси бўлди. Бу воқеалар ҳақидаги хабарлар область газеталарида анча кечикиб берилди. Тушунтириш ишларига партия-хўжалик активлари, Советларнинг депутатлари, касаба союз ва комсомол ходимлари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, областнинг бутун жамоатчилиги жалб қилинмади. Тартибсизликларнинг ташкилотчилари бундай вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб, Қувасойдаги воқеаларни атайлаб бузиб кўрсатдилар, миллатлараро нифоқни авж олдирдилар. Алдаб, қўрқитиб ва дўқ қилиб, ёшларнинг ғўр қисмини, шу жумладан мактаб ўқувчиларини ўз сафларига тортдилар.

Область партия комитетининг бюроси шу йил 21 июнь куни бўлган мажлисида ҳам ўз хатолари ва йўл қўйган нуқсонларини ўз-ўзини танқид руҳида ва принципиаллик билан тўла баҳолай олмади. Областдаги иҳтимоий-сиёсий вазиятни янада нормаллаштириш юзасидан самарали чора-тадбирларни белгилай олмади, йўлига хайфсан бериш билан чекланиб қолди.

Комиссия Фарғона воқеалари кадрлар билан ишлашдаги жиддий бузилишлар оқибатида вужудга келди, деб ҳисоблайди. Бир қанча йиллар давомида кўпгина масъул лавозимларга қариндош-уруғчилигига, дўстона муносабатларига, шахсий садоқатига қараб одамлар тайинланган. Ўз обрўсини тўккан ва ишни барбод қилган раҳбарларга ҳамиша ҳам қатъий партиявий баҳо берилмади. Кадрлар сиёсатидаги принципсизлик бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ҳамма нарсага йўл қўйиб беришни келтириб чиқарди, бундай йўл билан кўтарилган кадрларнинг маънавий таназзулига олиб келди.

Масалан, Қува мебель комбинатида унинг собиқ директори М. Уликов йигирма йил ҳукмронлик қилди. 1976—1984 йилларда комбинатда КПСС сафига қабул қилинган 26 кишининг ҳар еттитасидан бири унинг қариндоши эди, бунинг устига сохта ҳужжатлардан ҳам кўпинча фойдаланилди. М. Уликов молиявий интизомни бузишига қарамай, кўп марта партиявий жавобгарликдан қутилиб қолди ва 1988 йилдагина ишдан олиниб, КПСС сафидан ўчирилди. Сўнгги уч йил ичида салбий сабабларга кўра номенклатурадаги 107 ходим ишдан олинди. Уларнинг орасида шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, шаҳар, район ижроия комитетларининг раислари бор. Жумладан, ҳар етти нафар колхоз раисидан бири ва ҳар тўрт нафар совхоз директоридан бири, корхоналар ва ташкилотларнинг олти раҳбари ишдан олинди. Уларнинг кўплари КПСС сафидан ўчирилиб, жиноий жавобгарликка тортилди, бироқ бу чоралар ҳам амалда вазиятнинг яхшилик сари ўзгаришига олиб келмади.

Область, шаҳар, район партия комитетлари КПСС сафига қабул қилиш, партия комитетларини тузиш чоғида область аҳолисининг кўпмиллатли составини ҳамиша ҳам ҳисобга олмадилар. 15 та партия комитетидан фақат Охунбобоев ва Фарғона район партия комитетлари составидагина тўрт нафар месхети турки бор эди. Қўқон шаҳар партия комитети сўнгги саккиз йил ичида бирорта ҳам месхети туркини партияга қабул қилмади, Қувасой ва Марғилон шаҳар партия комитетлари, Тошлоқ район партия комитети ана шу даврда месхети туркларидан бармоқ билан санарли кишиларни партияга қабул қилган.

Кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришда, депутатлар корпусини шакллантиришда ҳам ана шундай нуқсонларга йўл қўйилди. Сўнгги йилларда корейслар, қрим татарлар, арманлар ва бошқа миллат вакилларидан раҳбар партия, совет, хўжалик ходимлари сони камайиб кетди. Раҳбар кадрлар составида месхети турклари салмоғи аҳолининг миллий структурасидаги салмоғига нисбатан икки баравар, Советларнинг барча бўғинлари депутатлари орасида эса уч баравар кам. Сўнгги чақириқ область Советига фақат битта месхети турки сайланди. Фарғона ва Қўқон шаҳар Советларида эса бу миллат вакиллари йўқ.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари шу вақтгача идеология ишларини КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси талаблари асосида қайта қурмадилар. Областдаги партия, совет, хўжалик органларининг раҳбар ходимлари тарбиявий ишларда шахсан қатнашишдан ўзларини четга олганлар, коллективларда ва аҳоли истиқомат жойларида сиёсий вазиятни ўрганмаётирлар, меҳнаткашларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларига тегишли жавоб қилмаётирлар. Оммани тарбиялашда собитқадамлик, партия комитетларининг аниқ ғоявий позицияси йўқ, санъат ва ижодкор зиёлиларнинг баъзи вакилларининг ғоявий жиҳатдан зарарли чиқишларига муросасозлик қилинмоқда.

Аҳолини байналмилал руҳда тарбиялаш расмиятчилик билан, умри тугаган сийқа усулда олиб борилмоқда. Аҳолининг турли гуруҳари ва қатламлари орасида зўр бериб конкрет иш олиб бориш, одамлар билан яккамаякка ишлаш ўрнига ҳамон дабдабали, юзаки қараганда ҳайратга соладиган тадбирлар ўтказишга зўр берилмоқда.

Область партия комитети, бошқа партия комитетлари миллатлараро соҳадаги мавжуд мураккабликларни ва зиддиятларни таҳлил қилмаётирлар, уларнинг сабабларини ўрганиб, ҳал қилиш чораларини ишлаб чиқмаётирлар. Майда миллатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун амалда ҳеч иш қилинмаган. Бунинг устига ана шу масалага заррача бўлсада эътиборсизлик кўнгилсиз ҳолларни келтириб чиқариши, миллатлараро муносабатларда кескинликни вужудга келтириши ҳисобга олинмаяпти.

Областда ноқулай диний вазият вужудга келган. Тобора кўпроқ одамлар, айниқса ўқувчи ёшлар дин таъсирига тушиб қолаётганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Хотин-қизлар орасида тегишли иш олиб борилмаяпти, ишлаб чиқаришда ва оилада уларнинг ўрни ва роли ҳисобга олинмаяпти. Хотин-қизларнинг ўзига-ўзи ўт қўйиши каби шармандали ҳоллар ҳамон юз бермоқда.

Муҳим партиявий ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан аниқ-равшан иш йўқ. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва интернационал тарбияни кучайтириш тўғрисида» ва «Республикада жамиятга қарши хатти-ҳаракатларнинг олдини олишни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари юзасидан область партия комитети томонидан қабул қилинган ҳужжатлар ҳатто шаҳар ва район партия комитетларига юборилмаган.

Қуйидаги факт тарбиявий ишларнинг ўрнини бюрократизлик-маъмуриятчиликнинг ёмон усуллари билан алмаштиришга уринишу, одамлар билан гаплашиш ва маслаҳатлашишни бир маслиги, улар билан очиқ мулоқот қила олмасликдан далолат бериб турибди. 1988 йилда область партия комитети билан области ижроия комитети бирлашган Охунбобоев ва Ёзёвон районларининг маркази қилиб Лангар посёлкасини танлаб хато қилишди, бу ерда район партия комитетининг биносидан бошқа объект йўқ эди. Ёзёвон райони меҳнаткашлари область партия комитетининг собиқ биринчи секретари Ҳ. Умаровдан ўзлари билан учрашиб, бу масалани холис ҳал қилишни илтимос қилдилар. Аммо у учрашувга бормади. Область партия комитетининг бюросида меҳнаткашларнинг қонуний талаблари экстремистик талаб, деб баҳоланди. Райондаги 300 дан ортиқ коммунист, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари, зиёлиларнинг вакиллари бу ҳақда аламини яширмай ва ғазаб билан комиссия аъзоларига гапириб бердилар.

Кадрларни танлаш, жойжойига қўйишдаги қўпол хатолар тўғрисида, социалистик қонунларга риоя этилмаётгани, идеология иши, сиёсий тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилаётгани, танқид бўғилаётгани ва бошқа салбий ҳодисалар ҳақида марказий республика ва ҳатто область матбуоти саҳифаларида жиддий мақолалар эълон қилинди. Бироқ область партия комитетининг бюроси, секретариати бу мақолаларга тегишлича муносабатда бўлмади.

Комиссия идеология ишлари ҳозир ҳам турмуш реалликлари ҳисобга олинмай, бир қолипда, олдиндан белгилаб қўйилган тартибда олиб борилмоқда, деб ҳисоблайди.

Одамларни ғоявий, байналмилал чиниқтириш, меҳнатга ижодий муносабатни, интизомсизлик, хўжасизлик ва масъулиятсизлик кўринишларига муросасиз муносабатни тарбиялаш масалалари ҳали ҳам ҳар бир партия ташкилотининг диққат-эътибори марказига қўйилмаган. Халқ таълими органлари ишининг усуллари ва сифати қайта қуриш талабларига жавоб бермайди, ўқувчи ёшлар ва студентларни коммунистик руҳда тарбиялашни ташкил этишдаги расмиятчилик барҳам топмаган. Ёшларнинг маълум бир қисмида билимга қизиқиш пасаймоқда, сиёсий калтабинлик ҳамда тайёрга айёрлик кайфиятлари намоён бўлмоқда. Ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришда ва бўш вақтни уюштиришда педагогларнинг ижодий ташаббуси ва масъулияти бўшаштириб юборилган. Бу ишларнинг ҳаммасида уларга маданият ва спорт органлари тегишлича ёрдам бермаяпти.

Областнинг партия комитетлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига сиёсий раҳбарликни бўшаштириб юборганлар, милиция, прокуратура ва судларда ишлаётган коммунистларга нисбатан талабчанликни сусайтирганлар, мазкур органларни кадрлар билан мустаҳкамлашга тегишли эътибор бермаганлар. Уларнинг профессионал тайёргарлик савияси паст. Икки ярим йил ичида ички ишлар органларининг 350 ходими интизомий жавобгарликка тортилган. Салбий сабаблар билан 100 ходим ишдан бўшатилган. Шундан 23 киши КПСС аъзосидир. 11 киши жиноий жавобгарликка тортилган.

Бу йил областда жиноят 28 процент, жумладан, оғир тан жароҳати етказиш, гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш 2 баравар кўпайди. Маст ҳолда содир этилган жиноятлар сони 86 процент кўпайди.

Областда наркотик моддалар истеъмол қилувчи, уларни етиштириш ва тарқатиш билан шуғулланувчи шахсларга қарши етарли кураш олиб борилмаяпти. Ҳозир наркотик моддалар истеъмол қилувчи 600 дан кўпроқ киши ҳисобга олинган. Бу эса 1980 йилдагидан икки баравар кўп. Ўтган йили Охунбобоев, Фарғона, Фрунзе, Ўзбекистон ва Ленинград районларида кўкнор ва наша экилганлиги аниқланди ва йўқ қилиб ташланди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари қонунбузарликнинг олдини олиш ва унга чек қўйишнинг самарали усулларини билмайдилар, фавқулодда вазиятда ишлай олмайдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноятчилар қуролларнинг турли хилларини, ўт олдирувчи аралашмаларни тайёрлаётганликларини ўз вақтида аниқлаб, бу ишга чек қўймадилар, оммавий тартибсизликлар чоғида ана шу қуроллардан кенг фойдаланилди. Экстремистларнинг бебошлиги ва шафқатсизлиги, уларга зарур даражада зарба берилмаганлиги ва ички ишлар органлари ходимларининг масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчиши аҳоли орасида ишончсизлик ва қўрқув, жиноятчи унсурлар орасида эса ўзига эрк бериш туйғусини уйғотди.

Область ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг бошлиғи генерал-майор С. Ю. Бурҳонов аслида милиция ишини барбод этди, бунинг учун у шахсан жавобгарликка тортилиши лозим. Давлат ҳавфсизлиги комитетининг Фарғона область бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Н. Г. Лесков) ахборот тарзида маълумотлар бериш билан чекланди, зарур чоралар кўришда етарли даражада қатъиятлилик қилмади. Прокуратура органлари ҳам қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига ўз таъсирини ўтказмаяпти. Область прокурори ўртоқ А. О. Отажонов, шаҳар ва район прокурорлари жиноятчилик сабабларини атрофлича ўрганиб чиқмаяптилар, ўғирлик, безорилик, текинхўрлик, ичкиликбозлик, нашавандлик пайини қирқиш борасида зарур ишларни олиб бормаяптилар, умуман тегишли даражада прокурор назоратини таъминламаяптилар.

Халқ депутатлари область Советининг ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқарув органлари сифатида ўз ишларини йўл қўйиб бўлмайдиган даражада суст қайта қурмоқдалар. Иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш, пахта майдонларини қисқартириш, меҳнат ресурслари ва ердан оқилона фойдаланиш, экология, хизмат кўрсатиш соҳасида тартибни йўлга қўйиш билан боғлиқ масалалар принципиал тарзда ҳал этилмаяпти. бу эса социал кескинликнинг кучайишига олиб келди ва қайта қуришга қарши кучлар бундан тартибсизлик чиқариш учун фойдаландилар.

Фарғона областида иқтисодий ва социал ривожланишда жиддий узилишлар ва нуқсонларга йўл қўйилди. Аҳоли ниҳоятда зич яшайдиган мана шу регионда халқ хўжалик комплексининг структураси демографик хусусиятлар ҳисобга олинмай ташкил этилди. Областда химия ва нефть химияси саноати корхоналари жуда кўп бўлиб, улар экология вазиятига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда ва аҳолини иш билан таъминлашни амалда кам ҳал этмоқда.

Кейинги бир неча беш йилликлар мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш республикадагига қараганда суст ривожланди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни ўстиришнинг ўртача йиллик суръатлари 1971—1975 йилларда-ги 7,1 процентдан 1981—1985 йилларда 4,6 процентга ва шу беш йилликда деярли 3,5 процентга тушиб қолди. Сўнгги уч йил давомида товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш комплекс программасида белгиланганига нисбатан ноозиқ-овқат моллари 3,7 процент кам, енгил саноат маҳсулоти 2,2 процент кам ишлаб чиқарилди.

Область қишлоқ хўжалигида янада кескин вазият вужудга келди. Бу соҳада ҳамма жойдагига қараганда пахта яккаҳокимлиги устунлик қилмоқда, суғориладиган экинзорларда унинг ҳиссаси Ўзбекистондаги 59 процентга нисбатан 64 процентга етмоқда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи галда гўшт ва сут билан таъминлаш муаммолари ғоят ёмон ҳал этилмоқда. Жамоат секторида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти кўпайиши ўрнига 1985 йилдаги 736 миллион сўмдан 1988 йилда қарийб 698 миллион сўмга тушиб қолди, суғориладиган экинзорлар ҳосили 2,5 минг сўмдан 2,2 минг сўмга тушиб қолди ёки 12,5 процент қисқарди.

Социал соҳа ўз ҳолига ташлаб қўйилди, аҳоли иш билан таъминлаш муаммоси кескинлашди. Қишлоқ жойларида аҳоли жон бошига олинадиган ўртача даромад 60—64 сўмни ташкил этишига қарамай, область ижроия комитети қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартириш жараёнини бир хилда сақлаб турибди. Сўнгги пайтгача колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига томорқа участкалари, боғдорчилик-полизчилик ширкатлари, якка тартибда уй-жойлар қуриш учун ерлар ажратиб берилмади. Қишлоқ хонадонларининг ярмидан кўпроғи ем-хашак етарли эмаслиги сабабли сигир боқмайди, қўй ва эчкилар туёғи камайди.

Меҳнатга яроқли бўлса-да, ишламаётган аҳоли тобора кўпайиб бораётганлиги вазиятни, айниқса, қишлоқларда ишлаштирмоқда. Область жамоат ишлаб чиқаришида 70 мингдан ортиқ киши иш билан банд эмас. Аҳоли ўсиш суръатлари ҳисобга олинганда эса, XIII беш йилликнинг охирига келиб бу рақам қарийб 2,5 баравар кўпайиши мумкин.

Партия ва совет органларининг мазкур масалани ҳал этиш соҳасидаги иш услубида ишлаб чиқариш коллективлари ва аҳоли истиқомат жойларида конкрет ишлар олиб борилмаётганлиги сезилиб турибди. Айни пайтда ҳозирнинг ўзидаёқ жамоат ишлаб чиқаришининг турли соҳаларида 10 минг иш жойи бутланмаган, жумладан, Фарғонада 2,7 минг, Марғилонда бир мингдан ортиқ, Тошлоқ районида 600 дан кўпроқ иш жойи бўш. Сменаларни кўпайтириш, қурилаётган корхоналарни кенгайтириш, реконструкциялаш ва ишга тушириш ҳисобига салкам 30 минг киши ишга жойлаштирилиши мумкин. Бироқ вужудга келган вазиятда область ижроия комитетининг раҳбарлари ишсизларга нисбатан бепарволик қилмоқдалар, уларнинг ҳаракатларида ташаббус, етилган муаммоларни амалий ишлар билан ҳал этишга интилиш етишмайди. Республика Министрлар Совети ҳам ана шу масалалар ҳал этилишини суст назорат қилмоқда, министрликлар, идоралар, область ташкилотларига нисбатан талабчанликни таъминламаяпти.

Областда уй-жойлар, мактаблар, поликлиникалар қуриш, шаҳарлар, посёлкалар ва қишлоқларни ободонлаштириш топшириқлари бажарилмаяпти. Уй-жой шароитини яхшилаш учун рўйхатда турган оилалар камаймаяпти. Мактабларнинг учдан бир қисми мосланмаган биноларга жойлашган бўлиб, ҳар икки мактабдан бири спорт ва мажлислар залларига, типовой ошхоналарга эга эмас, уларнинг 70 процентида машғулотлар икки ва ундан кўпроқ сменада олиб борилади. Қишлоқ жойларининг атиги 44 процентида водопровод билан таъминланган. Областда атиги 3 та кир ювиш корхонаси бор, ҳаммомлар, ижара пунктлари, турли рўзғор техникасини ремонт қиладиган устаханалар етишмайди. Мактабгача тарбия болалар муассасалари тармоқлари, жисмоний тарбия ва спорт объектлари, соғлиқни сақлаш системаси суст ривожланмоқда. Юқумли гепатит, ошқозон-ичак юқумли касалликлари, юрак-қон-томир ва онкология касалликларига чалиниш республикадаги ўртача даражадан анча юқоридир.

Ўтган йили маҳаллий Советлар ижроия комитетларига гражданлардан 70 мингдан ортиқ ариза ва шикоят тушди. Улардан 3600 таси КПСС Марказий Комитети номига ёзилган. Бироқ ана шу мурожаатлар зарур даражада таҳлил этилмаяпти, тегишли органлар ва идораларнинг иши тўғрисида зарур хулосалар чиқарилмаяпти. Марғилон, Қувасой шаҳар ижроия комитетларида, Охунбобоев, Риштон, Ўзбекистон район ижроия комитетларида шикоятларни кўриб чиқиш чоғида кўпинча сансалорликка йўл қўйилмоқда. Фарғона шаҳар ижроия комитетининг районлар ва қишлоқлардан ёшларни ишга қабул қилишни анча чеклаш тўғрисидаги ғайриқонуний қарори область қишлоқ аҳолисининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Меҳнаткашлар шикоятларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлинаётганлиги сабабли кўпинча иттифоқ ва республика органларига мурожаат қилишга мажбур бўлмоқдалар.

Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги районларнинг аҳолиси Янги Қўқон химия заводи атроф-муҳитни ва сув ресурсларини булғатаётганлиги тўғрисида узоқ вақт давомида турли органларга шикоят билан мурожаат қилди. Фарғона область ижроия комитети ва республика Министрлар Совети конкрет чоралар кўрмаганлиги, мазкур масалани ҳал этишда қатъият кўрсатмаганлиги кескинликни вужудга келтирди ва аҳолини ғазаблантирди. Айрим экстремист унсурлар мана шу кескин вазиятдан ўз мақсадлари йўлида моҳирлик билан фойдаландилар ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан иттифоқ министри ўртоқ Н. М. Ольшанскийнинг аралашувигина корхонани ёпиш ва соҳасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ҳал этишга имкон берди.

Комиссия область касаба союзлари Совети фаолиятида ҳам ҳамон расмий-бюрократик иш услуби устунлик қилмоқда, деган фикрга келди. Касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришда интизомни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш ишида суст қатнашмоқда, социал адолат принципларини қарор топтиришда зарур даражада қатъият кўрсатмаяпти. Область меҳнаткашлари билан бўлиб ўтган кўпдан-кўп учрашувларда квартираларни, енгил автомашиналарни тақсимлашдаги, медицина ва савдо хизматидаги, санаторий ва дам олиш уйларига йўлланмалар ажратиш ва улардан фойдаланишдаги адолатсизликдан ғазабланиб гапирдилар. Буларнинг ҳаммаси ҳам коллективларда маънавий-психологик кескинликни вужудга келтиради.

Область комсомол ташкилотларига партия раҳбарлиги сусайтириб юборилган. Комсомол ташкилотлари ёшларни иҳтиёрий фойдали меҳнатга жалб этишда, уларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашда етарли даражада иштирок этмаяптилар. Чинакам, ўзига маъқул бўлган иш билан таъминланмаган айрим ёшлар норасмий ташкилотларга аъзо бўлиб, ҳуқуққа зид ҳаракатлар қилмоқдалар. Тартибсизликлар қатнашчиларининг аксарияти комсомол ёшидаги ўсмирлар бўлиб, жиноячилар ўз мақсадлари йўлида уларни ўзига тортиш ва улардан фойдаланишга муваффақ бўлдилар.

Комиссия жамиятга зид ҳаракатларнинг пайини қирқиш тадбирлари кўрилганлигига қарамай, областдаги вазиятни тўла-тўкис барқарорлаштирилган, дейишга ҳали эрта, деб ҳисоблайди.

Ҳозирги вақтда тергов органлари одам ўлдириш, талончилик, ўт қўйиш, оммавий тартибсизлик фактлари юзасидан 58 та жиноий иш қўзғади. Уларнинг иккитаси юзасидан тергов тугади ва йш судга ошириди, бир қанча ишлар тугалланиш босқичида турибди. 97 киши қамоққа олинди, 127 киши конкрет жиноят қилишда шубҳаланиб қўлга олинди, бироқ кўпол миллатчилик хуружлари тўғрисидаги хавотирли миш-мишлар, варақалар ҳамон тарқатилмоқда. Шунинг учун, айниқса бошқа миллатдаги аҳоли орасида қўрқув, саросималик ва тушкунлик туйғулари сақланиб қолмоқда ва уларнинг бир қисми республикадан ташқарига жўнаб кетишга интилмоқда. Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарларида уй-рўзғор буюмларини ташиш учун контейнерларга бир неча ой илгаридан буюртма бериб қўйилган.

Комиссия ташкилотчилик ва сиёсий ишлардаги фожиали воқеаларга олиб келган бундай жиддий нуқсонлар ва камчиликлар учун жавобгарлик энг аввало область партия комитети бюроси, унинг секретарлари зиммасига тушади, деб таъкидлайди.

Область партия комитетининг биринчи секретари Ш. М. Йўлдошев (салкам бир йилдан бери ишляпти) ишларнинг моҳиятини суст ўрганмоқда, область партия комитетининг секретарлари ва бюро аъзоларига, область раҳбар кадрларига нисбатан зарур талабчанлик кўрсатмаяпти. У область партия ташкилотининг ҳал қилувчи устун йўналишларига, область партия комитети фаолиятини раҳбарликнинг сиёсий усулларида қайта қуришга асосий эътиборни қаратмади.

Область партия комитетининг иккинчи секретари А. В. Козирь фавқулодда воқеалар рўй берган кунларда саросимага тушиб қолди, область ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолларини рўй бераётган тартибсизликларнинг олдини олишга ва пайини қирқишга сафарбар этиш юзасидан зарур раҳбарликни таъминламади. У кадрлар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар сусайтириб юборилганлиги учун жавобгардир.

Область партия комитетининг секретари Т. А. Эгамбердиева одамлар билан иш олиб боришнинг эскича усулларидан воз кеча олмади. Ишнинг ташқи жиҳатига кўпроқ эътибор бериб, турли расмий тадбирлар билан машғул бўлмоқда. У воқеалардан четда қолди. идеология аппарати турли салбий кўринишларга қарши фаол кураш олиб боришга сафарбар этилмади ва ташаббусни қўлдан бой берди.

Область партия комитетининг секретарлари А. Р. Маматказин билан Б. А. Ашрафхонов ҳанузгача ўз ишларини янги талаблар асосида қайта қурмадилар, етилган социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда қатъият кўрсатмаётирлар, ўзлари раҳбарлик қилаётган ишнинг самарали бўлишига эришмаётирлар, сайлаб қўйиладиган партия фаолларига бўш таянмоқдалар.

Областда юз берган шароит учун масъулиятнинг анчагина қисми Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. М. Мажидов зиммасига тушади. У область ижроия комитетининг, шаҳар ва район ижроия комитетларининг ишини тегишлича ташкил эта олмади. Аслини олганда область ижроия комитети экономикани турғунликдан чиқариш программасига эга эмас, ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, аҳолининг фаровонлигини ошириш ҳамда бошқа етилган муаммоларни ҳал этиш масалалари билан қониқарли шуғулланмаяпти.

Комиссия шаҳар ва район партия комитетларининг баъзи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари оммавий тартибсизликлар даврида пассивлик, беғамлик қилдилар, ўзларинг йўқотиб қўйдилар, деб ҳисоблайди. Улар экстремистларнинг хатти-ҳаракатларининг олдини олиш ва чек қўйиш, безори тўдаларнинг область шаҳарлари ва районларига боришининг олдини олиш юзасидан барча чораларни кўрмадилар, уларга қарши курашга кенг жамоатчиликни сафарбар эта олмадилар.

3 июнда тузилган ҳукумат комиссияси ўз фаолиятининг дастлабки даврида можарони чеклаб қўйиш тактикасини ишлаб чиқа олмади. 6-9 июнда тартибсизликлар Қўқон зонасига кўчди, бу ерда жиноий ҳаракатлар янада кенг тус олиб, айниқса хавфли даражага етди.

Ёдномалар

Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим

Ҳар бир халқнинг оташин шоирлари бўлади. Ҳар бир шоирнинг эса юзлаб шеърлари, қиссалари, достонлари орасида халқнинг урф-одати, фазилати, хислати — қўйинг-чи, ўзлигини кўрсатувчи бир ёки иккита шеъри бўлади. Шу шеърлар унга мангулик бағишлайди, кўкларга кўтариб туради.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғуломда бундай шеърлар анчагина. «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Вақт», «Шараф қўлёзмаси», «Ёз»... Бу шеърларнинг ҳароратли сатрларини ҳар бир наэм ишқибози ёд билади. Бу шеърларнинг бири Ғафур Ғуломнинг сўзи бўлса, бири юзи, бири кўзи...

Бугун бу шеърлардан биронтасини таҳлил қилиш ниятим йўқ. Бугун «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» шеърини эслагим, уни яна бир бор ўқигим келди. Уни ўқиганим сайин — нафақат мен, балки ўқиган ҳар бир кишининг — кўзим ўнгида дўпписи дол, оқ яктаги шамолда ҳилпираган, белини қўш белбоғ билан маҳкам боғлаган танти ўзбек гавдаланаверади. Ҳорғин юзида ғубор, лекин қўли қўксида, лабларида ним табассум...

Ўзбекистон юртига борган чоғи,
Гур очилур қардошлиқнинг қучоғи.
Дилда қайнар неъматларнинг ўчоғи
Асфальт йўлда ЗИМларнинг
тўпичоғи —
Аввал бизга қўниб ўтинг, дўстларим...
Дўстлар учун дарвозамиз ланг очиқ,
Бошингиздан гул ялроғидан сочиқ.
Бу тоза сув, атир совун, оқ сочиқ,
Сўлим айём келишингиз ярашиқ
Албат бизга қўниб ўтинг, дўстларим...

Ғафур аканинг пурҳикмат суҳбатига қулоқ тутиб ўтиришар, унинг зукколигига, билимдонлигига тан беришарди. Мирзо Турсунзода, айниқса, Ғафур акага катта муҳаббат намойиш қилар эди.

— Мен тожик тилини нега ўрганганимни ким билади? — сўраб қолди Ғафур ака.

— Шарқ қўлёзмаларини ўқиш учун, — деди Яшин. — Ахир сиз бу борада беадад заршуноссиз.

— Асосийси бу эмас, — деди Ғафур ака ва муғомбирона кўз қисиб қўйди. — Мен тожик тилини Мирзо билан бемалол суҳбатлашиш учун ўрганганман.

Мирзо Турсунзода даст ўрнидан туриб, шоирнинг қўлини маҳкам қисди.

— Ташаккур, ташаккур, — деди у тўлқинланиб. — Вақти келарки, мен ҳам сиз билан мириқиб ўзбекча суҳбатлашаман. Бу менинг ваъдам.

— Мирзо йигитнинг ваъдаси ҳам мирзочасига бўлади, — кулиб қўйди Ғафур ака.

Суҳбат қизигандан қизиди, Ғафур ака райҳонни жуда яхши кўрарди, дейишади. Ҳовли юзидаги анвойи гуллар орасида жамбулу райҳоннинг алоҳида ўрни бўлар экан. Дастурхоннинг четидаги, шоирнинг чаккасидаги райҳон ифор таратиб даврага файз киритарди.

Юракларингиз ўйнаб кетади: ким бу сўзлаётган? Ким ўз уйига жонини поянДоз қилиб чорлаётган? Бу ўзбекнинг қалби. Ўзи ижара уйида ўтирса ҳам меҳмон келса бўйи Эйфел минораси қадар ўсадиган ўзбекнинг қалби.

Келасиз деб жамбул райҳон
ўтқаздим,
Ким келибди даста-даста тутқаздим,
Сафар битмай қолди — бир оз
ютқаздим,
Қардошлиқда минглаб баҳор
ўтқаздим,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим.
Жойни солиб гулзорнинг ўртасига,
Парқу болиш атласдан кўрпасига,
Мушт тушириб қайғунинг калласига,
Жўр бўлишиб ўн беш тил ялласига,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим.

Ўзбек топганини дастурхонга тўкади. У истайдики, келган меҳмон хурсанд бўлиб кетсин... Кетсину шу дастурхонни, шу хонадонни яна қўмсасин, дили тўлиб яна келсин. Юлари Наманган қизларининг юзлари каби қирмизи олмалар, ёқутдек тобланиб турган кишмишлар, туклари энди ҳарбийга отланаётган ўзбек йигитининг мўртидек ларзон шафтолилар... Ҳаммаси ўзбекнинг боғидан. Ўзи бўлса пойгақда қўл қовуштириб манзират қилади:

Дастурхонда меваларнинг тури кўп,
Бариси пон, шабнамдай тоза, маҳбуб,
Узум, анжир, шафтоли дер мени ўп,
Шу қовунни сўйиб енг роҳат қилиб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим...
Мана будир гилос, олма, шанароб,
Ва бу эса чаросдан тортган гулоб,
Ичганларни ҳушёр қилувчи шароб,
Бу қимизни сипқоринг, кучга қараб,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим...

— Бу гулзор ўз қўлингиз билан яратилганми? — сўради Берди ога.

— Шундоқ, — деди Ғафур ака, — гул ва шеър, шеър ва гул жонимиз.

— Гулоб ҳам, — қўшиб қўйди кимдир.

— Жим-эй, — деди Ғафур ака қошларини чимириб.

Шу аснода ташқаридан садо келди. Ғафур ака дик этиб ўрнидан турди. Нақшин лаганда ҳовури кўтарилиб, ҳар бир гуручи диркиллаб турган, Муҳаррам янганинг бетакрор ижоди бўлган палов дастурхон ўртасига қўйилди.

— Бу лаган, — деди Мирзо Турсунзода салмоқлаб, — худди Ғафур аканинг юраги. Қайноқ юраги. Бизга юракда борини тутяпти.

Ҳа, Ғафур аканинг юраги кенг эди, ўзбекона юрак эди. Бу юрякда йилларнинг бахти ҳам, зардоби ҳам, меҳри ҳам, заҳри ҳам бор эди. Ҳар нима бўлганида ҳам қўли кўксида ўзбек — Ғафур Ғулом дилидагисини тўкиб солганди.

Бу қирғовул, бу тувалоқ, бедона,
Бу ширмой нон — юзларида седона.
Қази-қарта, сомса дегани мана,
Ҳасип, норин, сиз эмассиз бегона,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим!
Ҳар гурунчи анор дона ош билан,
Муҳаррамой лаганмас қўёш билан.
Қўл кўкранда таъзим этиб бош билан.
Ер оғайни, қари-қартанг ёш билан.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг,
дўстларим!

Ош ейилди. Иссиқ ҳинд чойидан кейин, гап ўз-ўзидан шеъриятга, устозлар ижодига бориб тақалди. Дам туркманча, дам тожикча, дам ўзбекча шеърлар янгради.

Тун ярмидан оққанда меҳмонлар узр сўрашди. Ғафур ака хушнудлик билан меҳмонларни кузатар экан, кўзларидаги хаёл учқунларини сезган Мирзо Турсунзода сўради:

— Ғафур ака, сиз ҳозир нима ўйлаяпсиз? Энг улуғ мақсадингиз нима?

— Энг улуғ мақсадим, дарёнинг икки соҳилидаги халқлар ҳамиша бир-бирига қўл бериб, дили-дилидан меҳрдан кўприк қуриб, шу сувдан ичишни ҳоҳлардим.

Бу гап Берди Кербобоевга ҳам, Мирзо Турсунзодага ҳам, кейинроқ Собит Муқоновга ҳам, Аали Тўқамбоевга ҳам бирдек манзур бўлди.

— Ўзбек билан тожикнинг дўпписи бир хил, яктаги бир хил, — деди Ғафур ака,— унинг фикри ҳам бир хил бўлади.

— Ўзбек билан туркманнинг-чи?—сўради Берди ога.

— Ўзбек билан туркманнинг қайноғи бир, қозоқ билан қаймоғи, қирғиз билан аймоғи битта.

Мирзо Турсунзода Ғафур аканинг қўлини маҳкам қисди. Уларнинг қўли устига Берди оганинг кенг кафтлари келиб тушди. Улуғ юртларнинг улуғ дарёлари бирлашди.

Ўзбекларнинг одати шу: меҳмон кетадию, лекин мезбон унинг хотираси таъсирида анча сархуш бўлиб туради. Бўлиб ўтган ширин суҳбатларнинг нашъаси уни тарк этмайди.

Шеър ўқийлик Лутфийдан, Навоийдан,
Бедил, Фурқат, Пушкин ила Жомийдан,
Кейин қолмай замона айёмидан
Дил ёрисин мисралар илҳомидан.
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим,

Дўстларим!

Улар кимлар эди?

Улар Мухтор Авезов ва Николай Тихонов, Собит Муқонов ва Абдуқосим Лоҳутий. Яна кимки яхши ният билан Ўзбекистонга, Тошкентга қадам қўйган бўлса—ўша. Уларнинг қулоғида ҳануз Ғафур Ғуломнинг ширадор овози янграб турган бўлса ажаб эмас:

Олам билар, Фурқат кўча йўли бор
Беруний майдони, ёшлар кўли бор
Муқимий биносин худди сўли бор
Кўрсатувчи милиционер қўли бор
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

Адабиёт в а санъат

Улуғ дарёлар

Арпапоя кўчасидаги Ғафур Ғуломнинг ҳовлисини билмаган одам бормикан? Бу уйнинг қанақалигини Ғайратий, Саид Аҳмад, Пўлат Мўмин, Шукрулло, Шуҳрат, аптекачию деҳқон, қўйинг-чи танглайи шеър ўқиб туриб кўтарилган инсон зоти борки, барчаси билади. Соатлаб таърифини айтиб чарчамайди.

Бу уйнинг таърифини Ҳинду Чин, Румою Марв, Лўф бўлса ҳам Мағрибу Машриқ яхши билади. Панжоблик ота-бола Гурбахш ва Навтеж Сингҳдан тортиб Пабло Нерудагача биларди Ғафур Ғуломни (юқоридаги сурат ҳам фикримизнинг далилидир).

Бу уй тонготардан кунботаргача ўчоғидан ўт аримаган, дастурхонидан иссиқ нони узилмаган, болахонадан мушокранинг садолари баланд янграган уй эди.

1958 йил эди.

Ғафур Ғуломникида ширин суҳбат авжида. Туркман адиби Берди Кербобоев, тожик булбули Мирзо Турсунзода, Яшин

Жуфт табрик

1963 йил эди.

Ғафур Ғуломнинг олтмиш йиллик тўйига етти иқлимдан одамлар йиғилди. Телевидение юбилей тантанасини экранда намойиш этяпти. Кимки Навоий номидаги академик театрига сиғмаган бўлса экран қаршисида.

Минбарга бирин-кетин Собит Муқонов, Ойбек сингари аҳли адабиёт кўтарилар, Ғафур Ғуломнинг буюклиги шаънига дил сўзларини айтар эди.

Мирзо Турсунзода эса беш-олти йил нарида бўлиб ўтган суҳбатни эслатди.

— Ўшанда сиз мен учун тожик тилини ўрганганингизни айтгандингиз. Мен ҳам сиз билан ўзбекча суҳбатлашиш учун ўзбек тилини ўрганиб келдим. Ўрганганда ҳам регарлик қадрдоним Асқарали акадан ўргандим.

Ўшанда сиз мени Мирзо йигит деганингиз, Бугун сизга жавоб бериб айтаман: мен мирзо йигит бўлсам, сиз барно йигитсиз. Олтмиш ёшга кирсангиз, ҳали ҳам қирчиллама йигитсиз.

Зал қарсаклардан зириллаб кетди.

Берди Кербобоевнинг чиқиши ундан ҳам ошиб тушди. Берди ога табрик сўзини айтиб, Ғафур аканинг елкасига чакмон ёпди.

— Ўзи кун иссиқ, чакмонда роса роҳат бўлса керак.

— Буни туркманнинг қирқ қизи туянинг жунидан тўқиган, — огоҳлантирди Берди ога.

— О, мен буни сезиб турибман. Вужудимда қирқ қизнинг ҳарорати бор!

Кунлар ўтаверади. Ойлар ўтаверади. Йиллар ўтаверади. Лекин топиб айтилган сўз қолади. «Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим» шеъри топиб айтилган сўз. Ўзбекистон бор экан, жаҳонда бир дона ўзбек яшар экан, бу назм жаҳоҳири ҳудди кеча ёзилгандек оҳорда тураверади.

Ҳар гал шу шеърни ўқиганимда жисми йўқ, исми ўлмас шоирнинг ўктам овозини эшитгандек бўламан. Ҳар гал Ғафур Ғулом шеъриятда эришган, ҳали ҳеч ким забт этолмаган буюк чўққисида ўзининг инсоний бахти, ўзининг инсоний қисмати билан гавдаланаверади.

Ғафур Ғулом кимлигини биласиз,
Адресимдир Ўзбекистон, шубҳасиз,
Қисталанг гап, бизникига келасиз,
Ташриф этиб мени хурсанд қиласиз
Бахт уйида тунаб ўтинг, дўстларим.

Яна ва яна чуст дўппи, оқ яктак кийиб, белини қўш белбоғ билан боғлаган ҳорғину, лекин руҳан тетик ўзбегим тилга киргандек бўлади.

Кенса шоир тилидан овозимиз,
Шундай ўтсин ҳар баҳору ёзимиз,
Дўстлар учун жонимиз — ниёзимиз,
Бизнинг уйга қўниб ўтинг, дўстларим.

Айтинг, бу сатрларга яна нимани қўшиш мумкин? Нега қўшиш мумкин?

Йўқ, ҳеч нарса илова қилиб бўлмайди. Чунки бу ўзбекнинг юрагидаги гап. Юракдаги гап эса таҳрирга муҳтож эмас.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Ижодкор билан суҳбат

Тошкентлик ҳайкалтарош Далварзинтепада

Ҳайкалтарош Владимир Александрович Луневнинг номи санъат аҳлига яхши таниш. Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати бўлган бу қайкалтарош таланти нинг янги қирралари «Озод шарқ аёли» монументал скульптурасида ўзини кўрсатди.

Эски шаҳарда чеҳрасида хаё, ибо балқиб турган аёлнинг улуғвор ҳайкалини ким кўрмаган. Унинг пойига элтувчи зиналардан чиқар экансиз, икки томондаги ҳайкаллар босиб ўтидган йўлларни ўзида мужассамлаштиради. Бундан қўйдаги маъонни уқиш мумкин: Шарқ аёли озод бўлиб қад ростлагунча оловли ва шарафли йўлларни босиб ўтган.

Владимир Лунев билан суҳбатлашмоқчи бўлиб уйига қўнгироқ қилдим.

—Уйда йўқ,—дейишди менга, — устахонасида бўлса керак. Сафарга ҳозирлик кўряпти.

Дарҳол устахонага сим қоқдим. Дастаки Луневнинг ўзи кўтарди.

— Владимир Александрович, нима билан бандсиз! — деб сўрадим.

— Шунчаки, ошна-оғайниларимнинг суратларини чизяпман. Айтгулик жиддий ишни ҳали бошлаганим йўқ.

— Бошлаш ниятингиз борми!

— Бор, албатта. Ижодкор аҳли бирон-бир режасиз яшайдими, ахир! Бир неча йиллардан бери Сурхондарёдаги Далварзинтепани қазиш ишларини олиб боряпмиз. Бу ердан Будданинг 2 — 2,5 метрлик улуғвор ҳайкаллари чиқди.

— Сиз уларни қайта тиклашда қатнашяпсизми!

— Ҳа. Ҳайкаллар кўп вақт тупроқ остида ётган. Офтоб ёки сув тегди дегунча сочилиб кетади. Шунинг учун унинг бўёқларига, шакл-шамоилига озор етказмаслик керак. Бу ишда таъмирловчиларнинг, ҳайкалтарошларнинг хизмати жуда зарур.

— Ҳайкаллар бирон ерда кўрсатилдими!

— Ҳа, Буюк Ипак йўли билан Японияга юборилди. У ерда кўргазмада японлар Буддага жуда қизиқиб қолишди. Биргаликда келишиб ҳам олдик. Шу келишувга асосан бу йил 15 августдан Далварзинтепага халқаро археологик экспедиция уюштирилади. Экспедицияда таниқли профессорлар, олимлар бор. Не бахтки, мени ҳам таклиф этишди.

— Демак, сафар анжомларини ҳозирлаяпсиз!

— Албатта.

— Сафардан одатда янги ижодий режалар билан қайтилади. Батафсил суҳбатимиз ўшанда бўлади, Владимир Александрович.

— Жуда яхши. Сафардан ўзимнинг ҳам умидим катта.

Суҳбатни
Темур ЙЎЛДОШЕВ
ёзиб олди.

Фариштa

(Қатра)

Хаёлингсиз менинг
фароғатим йўқ.
Висолингсиз кунга
ҳеч тоқатим йўқ.
Сени севдимми, бас, энди
қалбимда
Муҳаббатдан ўзга
синоатим йўқ.

Кимда қандай билмайман-у, лекин менда баъзан шундай бир ҳолат юз беради: гўё қаердадир, узоқ-узоқларда мен учун энг азиз ва суюкли бир фариштa яшайди. Ўша фариштa ҳар куни, ҳар лаҳза кимнидир кутади, жуда-жуда интизорлик билан йўлларига кўз тутади. Мен эса унга қалбимни топшириб қўйганман. У менинг жоним, менинг ягонам, менинг тенги йўқ гўзалим, менинг гулим, менинг шириним, менинг ақллигим, кўзлари маржон, тишлари гавҳарим...

Мен уни кўрмоқ учун, унга етмоқ учун югураман, у томон елдек учаман. Лекин... лекин ҳар гал етдим, деганда у кўздан ғойиб бўлади. Аламимдан қичқираман:

— Эҳ, бағри тошгинам! Ado қилиб кетдинг-ку мени!..

...Сесканиб ўзимга келаман-у, сергакланиб у ён-бу ён назар ташлайман. «Хайрият, кўз ёшларимни ҳеч ким кўрмабди», дейман. аста пичирлаб.

Кўзда жиқ ёш билан кўзгуга қарайман ва унда изтироб из солган ўз аксимга қарата шундай дея жилмаяман:

— Вой, жиннивой-ей, нега йиғладинг? Ахир сен унинг жамолини кўрдингку...

Қўлимга яна «Ўтган кунлар»ни оламан ва шу заҳотиёқ борлиқни унутаман.

Абдусалом ИБРОҲИМОВ.

Назм дафтаридан

Кураш

Курашмоқда майса билан
қор,
Курашмоқда қиш билан
баҳор.
Музлаган қатламни
синдириб —
Яна эркин оқади анҳор.
Новдага ёпишган қировни,
Ортиқ эканлигин ҳис қилиб.
Жонланади янги куртаклар,
Курашмоққа ҳақлигин билиб.
Курашмоқда нур билан
булут,
Бўрон томон учади бургут!
Бу коинот — кураш майдони,
Инқилоб бу, сақлама сукут!
«Қайта қуриш» —
поклонганлар бу!
«Қайта қуриш» —
оқланганлар бу!
Кураш ўзи — қайта
қуришдир,
Келажак бу, тўкин
турмуш бу!

Орзулар

Океанда бўлсам, тингласам,
Тўлқиндай сачраган қўшиқни.
Чағалайни пастга ямласам,
Лочинларга сўзласам ишқни.
Майин қорда икки ёқ ҳаза,
Ўстиролсам алвони лола.
Қуёш йўли бўлар бир қадам,
Ихтиёримда бўлса олам.
Шунда миллиард одамни
тўплаб,
Тинчлик қўшиғин ўргатардим.
Улар менга жўр бўлган
пайтда,
Узин юлдуз томон отардим.
Коинотга учсам тинглардим,
Нур мисоли учган қўшиқни.
Юлдузларни пастга
ямлардим,
Лочинларга куйлардим
ишқни.

Тоҳир МАМАТҚУЛОВ.

Саҳна ортидаги заҳматкашлар

МУСАВВИР ЧЕВАР

Радиодан дилрабо куй таралди. Қалбларга ҳузур берувчи, қалбларни жунбушга келтирувчи куй. Даврада боядан бери шўхчан кўзларини, қоп-қора киприкларини ўйнатиб ўтирган қиз оҳиста ўрнидан қўзғалди. Бармоқлар ҳавода укпардек тўлғониб ўйнай бошлади. Куй ҳам қиз қалбидаги туйғуни ошкор этмоқчи бўлгандек эшилиб-эшилиб атрофга тараларди.

Башорат гўё бутун борлиғини унутгандек ўз ҳаёллари билан мусиқа авжида хиром этарди. У парвозга ҳозирланаётган оққушдек эди гўё. Атрофдагилар мароқ билан томоша қилишарди.

Куй ниҳоясига етганда оловли кўзлар бир дам юмилди-ю, киприкларда ёш томчилари ялтираб кетгандек бўлди. Ҳар сафар шундай бўлади.

— Нега ундай қилди? — дугоналаридан сўраймиз.

Сезмадингизми, оёқлари...

Башоратнинг оёқлари бир вақтлар юрмас эди. Мана энди ҳатто рақс тушиб ҳаммани қойил қолдирмоқда. Ақл бовар қилмайди. Дастлаб врачлар унинг оёқлари тузалишидан умид узишган эди...

Ижтимоий масалаларга эътибор берилмай қўйилган олтмишинчи йиллар... Эски шаҳар даҳасидаги кўпчилик оилалар ночор ҳаёт кечиришарди. Яшаш жойлари ихтиллмас, қўлбола печкалар, сандалларга тиқилишарди болалар.

Башорат бир яшар чақалоқ эди ўшанда. Ҳадича опа ширин қизчаси ҳаётида фалокат юз беришини қаёқдан билсин...

Онани ғўдакнинг чинқириги овози сарҳуш қилди. Ҳадича опа хонага юриб эмас, учиб кирди. Не кўз билан кўрсинки...

Ўша вақтдаги унинг изтиробини тасвирлаб бўлмайди. Меҳрибон шифокорлар қилган муолажалар... Ҳадича опа улардан бир умр миннатдор. Ахир қизчасини ўлим чангалидан сақлаб қолишди-да.

Биринчи бор бир яшарлигида, орадан етти йил ўтгач Башоратни иккинчи марта жарроҳ столига ётқизишга тўғри келди.

— Қизим, ирода билан машқ қилишингга боғлиқ қолган ҳаётинг, — деган эди ўшанда профессор Ботир Миразимов.

Башорат юришни ўрганди. Аммо унинг юриши бошқа дугоналариникига ўхшамасди: худди сакраб юргандек туюларди.

— Ойижон, мен энди юриб кетаман-а? — деб сўрарди нуқул Ҳадича опадан.

— Ҳа, қизим, албатта чопқиллаб кетасан, — дерди она кўзларидаги ёшни қўллари билан яшириб.

— Ойижон, нега йиғлайсиз? Мен ҳали шундай қиз бўлайки, — дерди Башорат онасининг юз-кўзларидан ўпиб. — Мен сизга ўйнаб бераман ҳали...

— Ҳа, қизим, ўйнаб юргин...

Башорат қадди-қомати келишган ойдек қиз бўлиб камолга етди. Ҳадича опа умрининг сўнгги кунларигача қизининг ҳароратли ўйинларини кўриб кўзи қувонди. Аммо ҳар гал ўйин тугаганида томоғига бир нарса тиқилгандек, кўзларига беихтиёр ёш келарди... Шунда Башоратга туганмас бахт тиларди.

Бугун қаҳрамон она Ҳадича опа ҳаётда йўқ. Башорат бўлса ҳамон онажонини эслаб кўнгилсуяр давраларда рақс тушиб, одамларга завқ улашади. Энди унинг рўпарасида онаизори йиғлаб ўтирмайди, ўзи рақс сўнгида кўзларига ёш олади.

Башорат ногиронликни тан олмади. Рақс санъатини севди, унга ихлос қўйди. Гарчанд у катта саҳналарга чиқмаса ҳам аммо уни таниган кишилар қалбида ўз ўйинлари билан меҳр уйғотди. Онасидан мерос бўлиб қолган тикувчилик ҳунари уни билим юртига бошлаб келди ва уни муваффақиятли тамомлади. Бу орада Башорат «Ёш ленинчи» газетаси қошидаги ишчи-мухбирлар мактабини ҳам тугатиб, талай мақолалар эълон қилди.

— Ёшлигимдан санъаткор бўлишни орзу қилардим, — деб ҳикоя қилади Башорат. — Шунинг учун Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театри маъмуриятига учрашдим. Бичиш-тикишни биламан, дедим уларга. Мени артистларга кийимлар тикадиган махсус цех бошлиғи Юзиль Абдуловна Даллин ҳузурига бошлаб киришди.

— Мана бу чокларни тикиб кўрсат-чи, қизим, — деди Ю. Даллин меҳрибонлик билан...

Тақдир Башоратни яхши одамлар даврасига етаклаб келди. У кундан кунга чеварликнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллаб ола бошлади. Бу ишда унга Юзиль амаки устозлик қилди.

Маълумки, театрда оддий кийимлар эмас, балки инглизча ҳам, итальянча ҳам, гоҳо ўтган аср кийимларини ҳам тикишга тўғри келади. Бунинг устига ҳар бир артистнинг қадди-қомати, ўйнаётган образининг ижобий ёки салбийлигига ҳам аҳамият бериш керак.

Театр саҳнасидан тушмай ўйналиб келинаётган «Раҳмат капитан», «Зафар ва Зуфар», яқиндагина саҳналаштирилган «Эски Жўва гаврошлари» каби спектакллардаги қаҳрамонлар кийган кийимлар Башорат ва унинг устози Ю. Даллин томонидан маҳорат билан тикилган.

Қарийб ўн йилдирки, Башорат Тўхтаева саҳна кийимларини маҳорат билан тикиб, бичиқчи-модельер номига сазовор бўлди. Ўзи саҳнага чиқмаса ҳам унинг кўз нури, қалб кўри синган турли бичимдаги кийим-бошлар артистлар устида жилоланиб, спектакларни файзга тўлдириб томошабинларни хушнуд этмоқда.

Бу йил Башорат меҳнат қилаётган болалар театри коллективи ўзининг 60 йиллик тўйини нишонлайди. Биз Башорат каби фидокор ходимларни, нанки Башорат, саҳна ортидаги ўнлаб ўз касбининг усталарини қутлуғ тўйлари билан муборакбод этамиз.

Пўлат НИШОНОВ.

СУРАТДА: Башорат Тўхтаева иш устида.

Ҳ. Мирзакаримов суратн.

Маданият муассасалари жонкуярлари

Созлар куйлар қўлида

Она алласидан бошланган қўшиқ мурғак қалбга ором берганидек, ўзбек халқ асбобларидан таралган яхши куйлар ҳам гоҳ тингловчини қитиқлаб шўх рақсга чорласа, классик ва мақом куйлари эса тингловчиларга хуш ёқади, уларга ором бахш этади. Ўзбек халқ чолғу асбобларидан сурнай, ноғора, доира, карнай, танбур, дутор, най, чанг, қашқар рубоби, озарбайжон тори, ғижжак кабиларда куйларни маромига етказиб чалган созандагина халқимиз тан олади. Тингловчи олқишини олгунча эса ҳар бир санъаткор изланади.

Марҳум Зокиржон Обидов ҳамда ҳозирда қариликка гаштини сураётган Ўзбекистон ССР халқ артиси Ориф Қосимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ҳатти Маҳмуд Юнусовларнинг номларини таъкидлашга ҳожат йўқ. Уларнинг истеъдодли шогирдларидан бири Баҳодир Ҳакимжоновдир. У кўп йиллар Абдулла Набиев номли пионерлар уйидаги музика тўгарагига қатнашиб, раҳбари Аҳмаджон Муҳаммаджоновдан қашқар рубоби, най, дутор каби чолғу асбобларида куйлар чалишни пухта ўзлаштириб олди. Ноғора, дутор, карнай, сурнайда машқ қилганида эса офарин демай иложимиз йўқ. Баҳодир 1969—1970 йилда Пушкин номли маданият ва истироҳат боғида очилган карнай-сурнай бригадасида ишлади. Шу йили Москвадаги Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмасида бўлиб ўтган «Қовун сайили»да сурнайни «сайратди». Ҳозир Фрунзе районидаги 2-Маданият уйида музика раҳбари бўлиб ишламоқда.

Баҳодир Ҳакимжонов раҳбарлигида маданият уйи қошида «Наво» мақомчилар труппаси ташкил этилди. Ўзбекистон радиоси мақомчилар ансамблининг хонандаси Эзро Малаков ҳамда хушовоз қўшиқчи Неъматжон Қулабдуллаев ёш ҳофизларга мақом сирларини ўргатдилар. Сурнайчилар тўгараги ҳам Баҳодир ташкилотчилигида очилди. Бу тўгаракка ўзи бошчилик қилиб, кўпгина ёш чолғучиларни тарбиялади. Айни пайтда ўз билимини тинмай оширди. Тошкент Давлат Маданият институтининг оркестр дирижёрлиги курсини сиртдан 1988 йилда битирди.

Баҳодир Ҳакимжонов 1987 йилда Москвада бўлиб ўтган касаба союзларининг 18-съездига бағишланган концертда ҳам иштирок этди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига атаб Ўзбекистон телевиденеси ўтказган бахши хонандалар ва халқ созандаларининг телевизион конкурсида қатнашиб, сурнайда «Шараф», «Савти Мискин», «Кўча боғи», «Куйғай», «Эрта билан», «Дилхирож» каби куйларни ижро этди. Ижанувчан санъаткор Баҳодир Ҳакимжонов маданият уйида иккинчи истеъдод эгалари — ҳаваскор санъаткорларга сурнай билан бир қаторда дутор тароналарини ҳам ўргатиб келмоқда. Роза Абиева, Ғайрат Аҳмаджонов, Дилшод Обидов, Манзура Ғуломова, Дилдора Қосимова ва бошқа кўпгина қизлардан иборат ансамбль маданият уйи оталиғидаги Абдулла Авлоний, Тўқимачи, Муқимий, Ракат, Яккасарой каби маҳаллаларда, Ленин комсомоли номли маданият ваа истироҳат боғида ўтказилаётган тантанали кечаларда доимо иштирок этади.

— Санъат кишиларга илҳом беради, ғалабалар сари отлантиради. Орзуим, халқимиз орасидан талантлар етишиб чиқаверса. Мен эса уларга санъат сирларини ўргатаверсам, — дейди Б. Ҳакимжонов.

Абдулла ТОЛИПОВ.

СУРАТДА: Б. Ҳакимжонов машғулот пайтида.



Янги ўқув йилига тайёрмиз. Р. Альбеков сурати.

Текинхўр ва юлғичларга муросасиз бўлайлик

Халқнинг ҳақи ҳиқилдоқдан олади

«Ташхлебторг»нинг 18-магазинида аниқланган талон-тарож шу идорага қарашли савдо шохобчаларида назорат сусайтириб юборилганлигини, нопок шахслар мўмай даромад орттириш кетига тушиб кетганликларини кўрсатади. Магазин сотувчиси Валентина Смелова ўзига ўхшаган кишилар билан тил бириктириб, савдога ортиқча маҳсулот чиқарилишига эришган ва улардан тушган пулни ўзлаштирган. Унинг 825 сўмни ўғирлаганлиги аниқланди. Куйбишев район ички ишлар бўлимининг тергов бўлинмаси В. Смеловага нисбатан жиноий иш қўзғади. Худди шу райондаги 23-ошхона ошпаз-бригадири Баҳром Аҳмедов ҳам назоратсизликдан фойдаланиб, гўшт маҳсулотларини доимий равишда талон-тарож қилиб келган. Унинг тасарруфидаги моддий неъматлар ҳисоб-китоб қилиб кўрилганида 2.540 сўмлик камомад чиқди. Эндиликда шу қилмишлари учун тегишлича жавоб беришига тўғри келади.

Ўтган олти ойда Ленин район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли шохобчаларда харидор ҳақига хиёнат қилиш, ўғирлик, талон-тарож, камёб молларни яшириб қўйиш сингари иллатларга тез-тез дуч келинганлигини таъкидлаш зарур. Масалан, текширишда шу идоранинг 19-магазини сотувчиси М. Муқимов харидордан 2 сўм 64 тийин ортиқча олганлиги маълум бўлди. Айнан шундай нохуш ҳолатлар 26, 49/1-магазинларда ярим йилнинг ўзида уч мартадан қайд этилди. Умуман Ленин райони савдо шохобчаларида олти ойда харидор ҳақидан уриб қолиш бўйича 44 жиноий иш қўзғатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Бу озиқ-овқат савдоси идораси, ошхоналар трести ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари томонидан назорат қоят сусайтириб юборилганлигини, нопок кишиларга йўл очиб берилганлигини кўрсатади.

Худди шу масалада юқорида таъкидланган Куйбишев райони савдо шохобчаларида аҳвол янада ташвишли. Бу районда олти ойда одамлар ҳақидан уриб қолишнинг ўзи бўйича қирқ беш жиноий иш қўзғатилди. Хусусан район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 22-магазин сотувчиси Д. Акимова 4 сўм 15 тийинга «адашганлиги» тегишли ҳужжатларда қайд этилди. Жамоатчилик вакиллари, ишчи назорати намоёндалари билан ўтказилаётган қўшма рейдларда ҳам қайтимдан уриб қолиш, таомларга масаллиқларни белгиланган миқдорда солмаслик ва юлғичликларнинг бошқа кўринишларига дуч келинмоқда. Чунончи, текширишда «Баҳор» ресторани ошпази М. Усмоновнинг таомларга масаллиқларни кўрсатилганича қўшмаслик йўли билан миҳозларнинг 115 сўм 94 тийинига хиёнат қилганлиги маълум бўлди. Шу масала юзасидан шаҳар ички ишлар бошқармасининг тергов бошқармаси жиноий иш қўзғади. Савдо шохобчалари бўйича ўтказилган 700 дан зиёд текширув жараёнида 305 жойда қонунбузарлик аниқланди. Шуниси қизиқки, бу кўрсаткич 1988 йилнинг дастлабки олти ойда 279 та эди. Демак, совет савдоси қонун-қоидаларини бузиш ҳолатлари камайиш ўрнига кўпайган.

Камёб молларни, озиқ-овқат маҳсулотларини очиқ савдога чиқармай, яшириб қўйиш, уларни орқа «эшик»дан олибсотарларга, кооператив ниқобидаги устомонларга манфаатли баҳоларда ошириб юбориш ҳоллари ҳам давом этмоқда. Бу таҳқилликни сунъий равишда янада кучайтирмоқда, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаяпти. Социалистик мулкни муҳофаза этиш бўлинмалари томонидан кўрилган тадбирлар туфайли ўтган олти ойда яшириб қўйилган 108 минг сўмликдан зиёд турли моллар очиқ савдога чиқарилди. Шундай номаъқулчиликларга йўл қўйганликлари учун тармоқнинг 56 нафар ходими тегишлича жазоланди. Ҳамза районидаги 23-магазинга қарийб 13 минг сўмлик кофе, қанд-шакар, чой, бошқа озиқ-овқатлар, «Ташгалантерейторг»га қарашли 23-магазинда эса 4.716 сўмлик саноат моллари яшириб қўйилганлиги маълум бўлди.

Юқори савдо органлари томонидан қатъий назорат йўлга қўйилмаганлиги, тафтиш ишларида юзакичилик ва ошна-оғайнигарчилик барҳам топмаганлиги сабабли шундай давлат маблағларининг катта миқдорларда ўзлаштирилиши ҳоллари рўй беряпти. Ўтган олти ойда БХСС ходимлари томонидан социалистик мулк талон-тарож қилинганлиги юзасидан 64 та иш аниқланди. Келтирилган моддий зарар 240 минг сўмдан ортиқдир. Киров райони савдо тармоқларида ва умумий овқатланиш шохобчаларида камомадга йўл қўйиш, эл мулкини ўғирлаш авж олганлиги аён бўлиб қолди. Шаҳар бўйича савдо соҳасида олти ойда аниқланган 64 та талон-тарожнинг 18 таси биргина мазкур районда фош этилганлиги шундан далолат беради. Бу маҳаллий Совет органлари, кўпгина текширувчилар, шу жумладан савдо инспекцияси ходимлари назоратни ўзибўларчиликка ташлаб қўйганликлари оқибатидир.

Шу ўринда юқорида келтирилган мисоллардаги далиллар социалистик мулкни муҳофаза этиш бўлинмалари ходимларининг дастлабки текширувлари маълумотлари эканлигини, уларга тергов жараёнида ва судда тўла ойдинлик киритилишини таъкидлаб ўтиш зарур.

Биз тилга олинган масалалар ҳақида мушоҳада юритарканмиз, бир савол тинчлик бермасди: «Айрим савдо ходимлари нима учун инсонийликни оёқ ости этиб, беш-ўн танга дардида юлғичлик қилишади? Улар бир кунмас бир кун албатта фош этилишларини, эл-юрт, қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари олдида юзлари шувут бўлишини яхши билишади-ку, ахир?! Наҳотки, кўра-била туриб ўзларини ўтга уришса?».

Ана шундай зайлда — фақат бир томонлама фикр-мулоҳаза юритсак айримларга кулгили, баъзиларга эриш туюлиши табиий. Тўғри, узоқ йиллар давомида кўпгина соҳалар сингари савдо ходимларининг ойлик маошлари ўртача 85—120 сўм атрофида бўлиб келди. Ҳозир эса иқтисодий ислоҳот туфайли барча тармоқларнинг ишчи-хизматчиларига, шу жумладан савдо ходимларига ички хўжалик ҳисоби асосида иш юритиб, яхшироқ ишлаб, кўпроқ даромад олиш имконияти яратилди. Ижара усулига ўтиб ишлаётган магазинларнинг ходимлари ҳозирги пайтда 250—320 сўмдан, айрим мева-сабзавот дўконларининг сотувчилари эса иш ҳажмини ошириш ҳисобига 450—500 сўмдан ойлик маош олмоқда. Айрим савдо ходимларининг хўрдани ҳам бурдани ҳам уришга уринишлари эса ўзларига бўлган ҳурматни оёқ ости қилишдан бошқа нарса эмас. Улар халқнинг ҳақи ҳиқилдоқдан олишини унутишмасин.

Р. МАДРАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси социалистик мулкни муҳофаза этиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.

С. САЙДАЛИЕВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

Реклама ва эълонлар

1 августдан 4 августгача
ҳар куни
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ ИДОРАСИГА ҚАРАШЛИ МАГАЗИНЛАРДА

«Очиқ эшиклар куни»

ЎТКАЗИЛАДИ

Харидорлар ҳар куни соат 15 дан 19 гача магазинларда юқори савдо органларининг, район халқ депутатлари ижроия комитетининг раҳбарлари ва масъул ходимлари билан учрашишлари мумкин.

Иш тартибини, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга, молларнинг турини кенгайтиришга доир истакларингизни мулоҳаза ва таклифлар дафтарига ёзиб қолдиришингизни сўраймиз.

Харидорларнинг Акмал Икромов районидаги (Чилонзор массивидаги) магазинларнинг ходимлари билан учрашувларини ўтказиш тартиби:

1 АВГУСТДА
1-магазинда — Бобир кўчаси, Г-9А квартали, 20-уй;
2-магазинда — Ғ. Ғулом кўчаси, 14-квартал, 12-уй;
5-магазинда — Фарҳод кўчаси, 13-квартал, 5 «а» уй;
6-магазинда — Фарҳод кўчаси, Г-9 «а» квартали, 22-уй;
10-магазинда — Фарҳод кўчаси, 12-квартал, 12-уй;
2 АВГУСТДА
11-магазинда — Ғ. Ғулом кўчаси, 23-квартал, 56-уй;
12-магазинда — Подмосковная кўчаси, 23-квартал, 57-уй;
13-магазинда — Ғ. Ғулом кўчаси, 26-квартал, «Москва» қаҳвахонаси;
16-магазинда — Подмосковная кўчаси, 23-квартал, 40-уй;
18-магазинда — Сегизбоев кўчаси, 21-квартал, 1 «Б» уй;
3 АВГУСТДА
19-магазинда — Фарҳод кўчаси, 21-квартал, 9-уй;
20-магазинда — Журжоний кўчаси, 1-уй;
22-магазинда — Уйғур кўчаси, 583-уй;
24-магазинда — Яқдил кўчаси, 47-уй;
25-магазинда — Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 1-уй;
4 АВГУСТДА
26-магазинда — Уйғур кўчаси, 546-уй, «Тақачи» бекати.
28-магазинда — Зиё Саид кўчаси, 113 уй, кўп соҳали касалхона;
30-магазинда — Яқдил кўчаси, 1-уй, «Баҳор» бекати;
31-магазинда — Зиё Саид кўчаси, 88-уй, «Штаб» бекати.
34-магазинда — Наби Ғаниев кўчаси, 24-уй;
35-магазинда Ҳалқа йўл кўчаси, 6-уй.

Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси идораси.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ДАСТГОҲЛАР КЕРАК БЎЛСА ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИГА

МУРОЖААТ ҚИЛИНГ

ЗАВОД ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

СНВ — 400 моделдаги токарлик-винт йўнувчи дастгоҳини:

7634—081 вертикал чўзиш дастгоҳини;
7534—042 горизонтал чўзиш дастгоҳини;
1425 токарлик винт йўнувчи дастгоҳини;
ДФ—82 шпон-фрезерлик дастгоҳини;
Н—80 горизонтал йўнувчи дастгоҳни;
3Б161 моделидаги доира силлиқлаш дастгоҳини;
6622 бўйлама фрезерлик дастгоҳини;
1Н713 моделдаги токарлик кўпкескили яримавтоматни;
1713 моделдаги токарлик кўпкескили яримавтоматни;
7Б510 горизонтал чўзиш дастгоҳини;
В—1134 моделдаги горизонтал болғалаш машинасини;
5Д833 тиш силлиқлаш дастгоҳини;
1П365 моделдаги токарлик-револьвер дастгоҳини;
ДАМО 6х125 моделдаги токарлик кўпшпинделли автоматини;
пол ётқизиш учун чўян кошинларни — 300000 дона сотади.

Шунингдек, заводда дастгоҳлар учун қуйидаги эҳтиёт қисмларни сотиб олиш мумкин:
101—82Ш панелини — 1 дона — баҳоси 63 сўм 18 тийин;
5У42—29 манелини — 1 дона — баҳоси 121 сўм 50 тийин;
ЦПК — 100 осма конвейерига каретка — 40 дона — баҳоси 468 сўм;
50Г12—24 а 50/50 насосини — 8 дона — ҳаммаси 720 сўм;
РХ06, 44.100 гидроаппаратурасини — 15 дона — ҳаммаси 1300,25 сўм;
Г—34—12 панелини — 2 дона — ҳаммаси 112 сўм;
Г—34—24 панелини — 3 дона — ҳаммаси 315 сўм;
Г—34—22 панелини — 3 дона — ҳаммаси 315 сўм;
Г—12—31 панелини — 1 дона — баҳоси 66 сўм 42 тийин;
Г—34—14 панелини — 1 дона — баҳоси 77 сўм.

Тошкент агрегат заводи.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли харидорлар!

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН САЛОНИ
КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ ТУРЛИ КОНСТРУКТОР ИИҒМАЛАРИНИ САВДОГА ЧИҚАРДИ

Уларни йиғиш осон ва баҳоси ҳам унчалик қиммат эмас. Тавсия этилаётган йиғмалардан
соатлар (йиғманинг баҳоси 13 сўмдан 25 сўмгача),
кучайтиргичлар (йиғманинг баҳоси 12 сўм 70 тийиндан 95 сўмгача);
эквалайзерлар (йиғманинг баҳоси 22 сўмдан 80 сўмгача)**ни йиғиш мумкин.**

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон — 33-78-34.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг 1987 йил 16 сентябрдаги 549/18-қарорига мувофиқ сизнинг уйингизда юқсак самарали телевизион кўрсатувларни равишда қабул қилиш системаси ўрнатилган, телевизорларингиз «Таштелеприём» ихтисослашган техника маркази ходимлари томонидан ана шу системага уланган бўлиши шарт.

Телевизорларингиз коллектив равишда фойдаланиладиган антеннага улангандан сўнг бир ҳафта муддат ичида томларга ўзбошимчалик билан ўрнатган антенналарингизни олиб ташлашингизни сўраймиз. Акс ҳолда антеннангиз огоҳлантиришсиз олиб ташланади.

Коллектив равишда фойдаланиладиган системаларни ремонт қилиш ҳақидаги буюртмалар 77-22-84, 77-65-20, Сергели районида 58-24-18, 58-42-65 телефонлари орқали қабул қилинади.

Коллектив равишда фойдаланиладиган системалар ҳақида маълумот олиш учун **62-77-44** телефони орқали қўнғироқ қилишингиз мумкин.

«Таштелеприём» ихтисослашган техника маркази.



Телевизор эгалари диққатига!

Агар уйингизда юқори самарали, телевизион кўрсатувларнинг сифатли қабул қилинишини таъминловчи коллектив телевизор антеннаси бўлса, сиз ўз телевизорингизни унга

фақат «Таштелеприём» ихтисослашган техника маркази антенна хизмати мутахассисларининг ёрдамида улашингиз мумкин.

Телевизорларни коллектив равишда фойдаланиладиган антенналарга улаш, улар носоз бўлган тақдирда ремонт қилиш юзасидан буюртмалар
77-65-20, 77-22-84 телефонлари,
Сергели районида — **58-24-18, 58-42-65** телефонлари орқали қабул қилинади.

«Таштелеприём» ихтисослашган техника маркази маъмурияти огоҳлантиради: шахсий телевизор антенналарини давлат турар жой фонди томларига ва балконларига ўрнатиш ман этилган.

«Таштелеприём» ихтисослашган техника маркази.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Реклама ва эълонлар

1 СЕНТЯБРДАН ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИ БОШЛОВЧИЛАРНИ
Марказий Универсал магазинида
1 АВГУСТДАН 5 СЕНТЯБРГАЧА УТАДИГАН МАКТАБ БОЗОРИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

Ўқув қуролларининг кенг савдоси Марказий универсал магазиннинг савдо залида ва Горький номидаги боғнинг икки павильонида ташкил этилади.

Мактаб бозорида ҳарфлар ва бўғинлар кассаларидан тортиб, мураккаб арифметика амалларини бажарувчи микрокалькуляторларгача бўлади.

Ҳамшаҳарларимиз ҳар хил папкаларни, машқ халталарини, чизмачилик термаларини, микрокалькуляторларни, ёзув ва чизув қоғозларини, нота ёзуви учун дафтарларни, акварель бўёқлар учун папкаларни, рассомлар планшетини ва албатта, қалам-дафтарларни, ручкаларни, чизғич ва резинкаларни харид қилишлари мумкин.

Эслатиб ўтамиз, молларнинг турлари янгиланиб ва тўлдириб турилади.

Марказий универсал магазин танаффуссиз соат 9 дан 21 гача ишлайди.

Дам олиш куни — якшанба.

Марказий универсал магазин.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармаси

С. И. СТРЕЛКОВ НОМИДАГИ 2-ПОЛИГРАФЧИЛАР ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
янги ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти ўрта маълумотли фотонабор электрон қурилмаларда ишловчи оператор, корректор-ҳарф терувчи, офсет босма печатниклари, линотипчи, ҳарф терувчи, печатник ва муқовачиларни тайёрлайди.

БИЛИМ ЮРТИГА 15—18 ЁШДАГИ 8—10 СИНФНИ ТАМОМЛАГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти битирувчиларига тўлиқ ўрта маълумот ва ҳунар олганликлари ҳақида диплом берилади.

Ўқувчилар бепул кийим-бош ва 3 маҳал иссиқ овқат билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар учун ўқиш муддати — 1 йил бўлиб, 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар. 9-синфни тамомлаганлар II-курсга қабул қилинадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлаганлар Москва ва Львов полиграфия институтларига, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг полиграфия бўлимига ўқишга юборилади.

Ўқиш муддати узлуксиз меҳнат стажига киради.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Зарурий ҳолларда ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли), 6 дона фотосурат (3х4 см).

Адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Нурхон кўчаси, 21-уй (метронинг «СССР 50 йиллиги» станцияси, 13-троллейбус, 33-автобуснинг «Бўрижар» бекати).

«Ташгорстрой» бошқармаси базасидаги
31-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

бўёқчи, қурувчи, бадиий безак берувчи-бўёқчи, дурадгор-қурувчи, дурадгор-паркетчи, газ-электр пайвандчи, кошиннкор-плитачи ихтисосликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШГА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 синф базасида — 3 йил; 10 синф базасида — 1 йил.

Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, 8—10 синф маълумотига эга бўлган ёшлар сувоқчиғишт терувчи касблари бўйича 6—8 ойлик группаларга ўқишга қабул қилинадилар. Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

3 йиллик таълим группаларининг ўқувчилари давлат таъминотида бўладилар, 6—8 ойлик таълим группаларининг ўқувчиларига ойига 70 сўм стипендия тўланади. Ҳамма ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси даврида меҳнат ҳақининг 50 проценти берилади. Билим юртида тўгараклар, спорт секциялари ишлаб турибди, «Ташгорстрой» базасида дам олиш зонаси мавжуд.

Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Билим юртини тамомлаганлар Тошкент шаҳар қурилиш объектларига ишга юборилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумот ҳақидаги ҳужжат, медицина справкаси (086/У форма), яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.).

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 44-уй (7, 8, 11, 16-трамвайлар; 53, 59, 62, 91, 31, 43, 11, 95, 36-автобусларнинг «Ҳадра» бекати). Телефон — 42-33-56.

Реклама ва эълонлар

ТЎЙЛАР МУБОРАК!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИНИНГ тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган ва замонавий репертуарга эга бўлган

«САМО» АНСАМБЛИ

БАХТ ВА ШОДЛИК ОҚШОМИНИ КЎНГИЛДАГИДЕК ЎТКАЗИШДА ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЁР!

Ансамблни кассага пул тўлаш йўли билан тўйхонага таклиф қилишингиз мумкин.

Буюртмалар олдиндан ҳар куни соат 17.00 дан маданият саройининг 2-қават, 90-хонасида қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Авиасозлар шаҳарчаси, Лисунов кўчаси, Авиасозлар маданият саройи (15, 23, 48, 72, 154, 164-автобуслар; 3, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати). Метронинг «Чкалов» станциясигача борилади. Телефон: 96-55-81.

Кино

31 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР ҚИЗ» (катта зал, 18.30, 20.30, кичик зал, (17, 19.30).

Нукус — «УОЛЛ СТРИТ» (18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГЎЗАЛЛАР» (жуфт соатларда).

К. Ёрматов номли — «ЎЙНА, ЎЙНА» (18.30, 20, 21.00).

Лисунов номли — «БЎРИЛАР» ТУРИСТИК БАЗАСИ» (тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Хива (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЭРКАК ВА АЁЛ 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (18.30, 21.00).

Москва — «ҚАЛЛОБЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

1 АВГУСТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ИНТЕР ҚИЗ» (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.30, кичик зал 12, 14.30, 17, 19.30).

Нукус — «УОЛЛ СТРИТ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ГЎЗАЛЛАР» (жуфт соатларда).

К. Ёрматов номли — «ЎЙНА, ЎЙНА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20, 21.00).

Лисунов номли — «БЎРИЛАР» ТУРИСТИК БАЗАСИ» (тоқ соатларда).

Фестиваль (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Хива (ёзги) — «ИНТЕР ҚИЗ» (22.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЭРКАК ВА АЁЛ 20 ЙИЛДАН СЎНГ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Москва — «ҚАЛЛОБЛИК» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Автомат-жавоб берувчи телефонлар:
Дружба — 67-96-87
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги — 53-65-87
С. Раҳимов номли—48-46-71
Ҳамза номли — 91-10-51
Тинчлик — 58-34-88

«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОРХОНАСИНИНГ МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВИ СОВЕТИ
корхона директори лавозимига
САЙЛОВ ЎТКАЗАДИ

Сайловда олий техника ёки иқтисодий маълумотга ва раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил амалий иш тажрибасига эга бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун кадрлар бўлимига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим: ариза, кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, маълумот ҳақидаги дипломнинг нусхаси, иш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар 2 августгача қабул қилинади.

Сайлов 1989 йил 17 августда ўтказилади.

Адрес: 700100, Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 53-уй. Телефонлар — 55-42-91, 55-46-01.

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА РАДИОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ
Сизларга кенг ассортиментдаги қуйидаги МИКРОСХЕМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

К134, КР581, 583, 584, КР588, К1109, К1500, КР1804.

Адрес: Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон — 33-78-34.

Тошкент шаҳри, 166-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан **Турдиев Абдумутал Разиқович** номига берилган 488898 номерли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Давлат университетининг биология факультети коллективи доцент А. С. Алматовга отаси
Синдор АЛМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика «Олмос» улгуржи-чакана савдо бирлашмаси коллективи 37-магазин мудири Ғ. М. Қаюмовга отаси
Мирҳожи ҚАЮМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг 1-клиник шифохонаси коллективи врач-рентгенолог, Улуғ Ватан уруши иштирокчиси
Сайдали Хўжаевич ХУЖАЕВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми
Узбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар; қабулхона—32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши—32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги —32-54-19; ижтимоий масала — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя», рекламалар, илова — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади.

Р. 09838 В.2148. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10